Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 33 (162) ● 2008 йил 15 август

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ИХТИРОЧИЛАР УЧУН ЯНГИЛИКЛАР

**2008 йил 30 июлдаги ЎРҚ-164-сон Қонун билан «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунга** *(2002 йил 29 августда қабул қилинган 397-II-сонли Қонун таҳририда)* **ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.** Чунончи, саноат мулки объектининг патенти саноат мулки объекти устуворлигини, унга муаллифликни ва патент эгасининг саноат мулки объектига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди (аввал у шунингдек унинг янгилигини, ихтиролик даражасини ва унинг ҳақиқийлигини ҳам тасдиқлаган). Ҳужжатнинг аниқлаштиришича, ҳар қандай соҳада: маҳсулотга (хусусан, қурилма, модда, микроорганизм штамми, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турларига); ҳамда усулга (моддий воситалар ёрдамида моддий объект устида хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнига) тааллуқли бўлган техник ечим ихтиро сифатида эътироф этилади. Энди саноат мулки объекти устуворлиги олдин топширилган бир нечта талабнома ёки уларга доир қўшимча материаллар асосида ҳам белгиланиши мумкин.

Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтганидан кейин расмий ахборотномада эълон қилиниши ҳақидаги меъёр киритилди. Талабнома берувчининг илтимосномасига кўра Патент идораси ушбу муддат ўтгунига қадар ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиши мумкин. Улар эълон қилинганидан кейин ҳар қандай шахс ушбу талабномага доир ҳужжатлар билан Патент идораси томонидан белгиланган тартибда танишиб чиқишга ҳақли.

Патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича давлат экспертизасини ўтказиш тартиби, шунингдек ихтиро ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасини ўтказиш тартиби янги таҳрирда баён этилган. Қонунга бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

**Қонун 2008 йил 31 июлда «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.**

### ХАЛҚАРО ШАРТНОМА ТАСДИҚЛАНДИ

**Президентнинг 2008 йил 31 июлдаги ПҚ-933-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Индонезия Республикаси Ҳукумати ўртасида 2008 йил 13 май куни Тошкент шаҳрида имзоланган Савдо ҳақидаги битим тасдиқланди.**

Ташқи ишлар вазирлигига Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўллаш топширилди.

### ФОНД БОЗОРИ УЧУН ЯГОНА КОМПЛЕКС

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги «Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 160-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* билан белгиланишича, 2011 йилдан бошлаб:

– қимматли қоғозлар бозори инфратузилмаси институтлари фаолиятини ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиришни кучайтиришни, ҳисобга олиш тизимини соддалаштиришни, шунингдек қимматли қоғозларга оид битишувларга ҳисоб-китоб-клиринг хизмати кўрсатишни такомиллаштиришни;

– қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг дастурий-техник таъминотини бирхиллаштириш ва стандартлаштиришни, электрон ҳужжат айланишини кенг кўламда жорий этишни ва ундан фойдаланишни;

– жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларга оид операцияларда, шу жумладан қимматли қоғозларнинг пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда олди-сотди операциялари иштирокини соддалаштиришни;

– қимматли қоғозлар бозори маълумотларининг ягона ахборот базасини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратишни таъминлайдиган қимматли қоғозлар бозорининг Ягона дастурий таъминот комплекси жорий этилади.

Қимматли қоғозлар марказий давлат депозитарийси Дастурий таъминот комплексини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг мувофиқлаштирувчиси ва буюртмачиси ҳисобланади. У Қимматли қоғозлар марказий давлат депозитарийси, «Тошкент» республика фонд биржаси, «Элсис-клиринг» ҳисоб-китоб-клиринг палатаси, иккинчи даража депозитарийлари ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг бошқа манфаатдор профессионал иштирокчиларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлари ҳисобига ишлаб чиқилади.

### БАҲОЛОВЧИЛАР ВА ЭКСПЕРТИЗА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш механизмини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори** *(2008 йил 28 июлдаги 161-сон)* **билан Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш тартиби ҳақидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги экспертизадан ўтказилиши предмети ҳисобланади. Экспертиза буюртмачи, баҳолашни бошқа истеъмолчилари ва баҳолашни ўтказган баҳолаш ташкилоти ўртасида баҳсли вазиятлар пайдо бўлган тақдирда ёки бошқа ҳолатларда ўтказилади.

Экспертиза қуйидагилар юзасидан тақдим этилган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳаққонийлиги текширилишини таъминлайди:

фойдаланилган маълумотлар ва олинган маълумотномаларнинг, қўлланилган методлар ва баҳолаш усулларининг; таҳлил, фикрлар ва хулосаларнинг асосланганлиги; ҳисоб-китобларнинг аниқлиги; тақдим этилган ҳисоботнинг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги. Ундаги маълумотларнинг қуйидаги мувофиқлик мезонлари белгиланди: тегишлилик, йўл қўйилиши мумкинлиги, ишончлилик ва етарлилик. Экспертиза таҳлилий ёки дала шароитида ўтказилади.

Ҳужжат билан Суд органлари сўровномаларига кўра баҳсли вазиятларда баҳоланувчи объектларни баҳолаш материалларини экспертизадан ўтказиш бўйича эксперт комиссиясининг ишини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом ва унинг таркиби ҳам тасдиқланди.

### БАҲОЛОВЧИЛАРНИНГ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

**2008 йил 4 августда Адлия вазирлиги томонидан Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1840-сон қарори рўйхатдан ўтказилди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Қабул қилинган ҳужжат малака имтиҳонини ўтказиш, баҳоловчининг малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш тартибини, апелляция таомилини белгилайди. Унда шунингдек сертификат муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш учун зарур бўлган шартлар ҳам белгиланган. Низомда баҳолаш фаолиятини амалга оширишда малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос бўладиган қонун ҳужжатлари талабларининг бир марта қўпол равишда бузилишлари рўйхати келтирилган. Барча зарурий маълумотлар Давлат мулки қўмитаси томонидан юритиладиган малака сертификатига эга бўлган баҳоловчиларнинг реестрида қайд этилади.

**2008 йил 14 августдан кучга кирди.**

### СПОРТ АНЖОМЛАРИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛАДИ

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан халқаро стандартларга жавоб берадиган спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида **Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 162-сон қарори билан «Ўзстандарт» агентлигининг «Тошкент шаҳар синаш ва стандартлаштириш маркази» давлат корхонаси ҳузурида Спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналарининг ихтисослаштирилган синов лабораторияси ташкил этилди.**

### ҲАРБИЙЛАР УЧУН БОШПАНА КАФОЛАТЛАНАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисида низом Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 июлдаги 163-сон қарори билан тасдиқланди.**

У ҳарбий хизматчиларга узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш, дастлабки бадал киритиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартибини белгилайди.

Низом камида 10 календарь йил хизмат қилган ва янги контракт тузган, уй-жой билан таъминланмаган ёки уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга татбиқ этилади.

Уларга тижорат банклари томонидан ипотека кредити бериш қонунчиликда белгиланган тартибда Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади. У ҳарбий хизматчиларга хизмат жойи ёки ҳарбий хизмат белгиланган жой (чақирик) бўйича берилади. Уни олишда Мудофаа вазирлиги, ИИВ, ФВВ ва МХХга уй-жой майдонининг белгиланган ижтимоий нормаси доирасида сотиб олинадиган ёки қуриладиган уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдоридаги дастлабки бадални киритиш рухсат этилган.

Ҳарбий хизматчиларнинг аризаси ва тегишли вазирликнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига илтимосномаси бўйича ҳарбий хизматчиларга ажратиладиган уй-жой ўрнига уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун бепул асосда ер участкаси белгиланган тартибда берилиши мумкин. Ер участкасини ўзлаштириш даврида ҳарбий хизматчилар ва унинг оила аъзоларига икки йилгача бўлган муддатда хизмат квартираси сақлаб қолинади.

Квартира сотиб олиш ёки якка тартибда уй-жой қуришга ўзлари учун тегишли вазирликлар томонидан дастлабки бадал ўтказилган ҳарбий хизматчилар давлат ҳисобига уй-жой билан таъминланмаганлар рўйхатларидан чиқарилади.

Ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган ёки хизмат вазифаларини бажаришда оғир тан жароҳатлари олиши оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда қайтарилмаган кредит ва у бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси тегишли вазирликнинг раҳбари қарори асосида вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига қопланади.

### ОЛИЙ ТАЪЛИМ РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон қарори билан республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Чунончи, Президентнинг 2008 йил 24 июлдаги «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-926-сон қарорини бажариш юзасидан 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари кучга киритилмоқда. Шунингдек ***Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом*** ҳам тасдиқланди. Бироқ унинг амал қилиши бюджет ташкилотлари учун қўлланадиган Ягона тариф сеткаси асосида амалга ошириладиган олий таълим муассасаларининг ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга татбиқ этилмайди.

Низомга мувофиқ олий таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи базавий лавозим маошлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлардан иборат бўлади. Бунда профессор-ўқитувчилар таркибининг базавий лавозим маошлари штатдаги лавозимга ва илмий даража, илмий унвон мавжудлигига қараб табақалаштирилади. Ушбу муассасалар раҳбарларининг базавий лавозим маошлари эса улар мансуб бўлган гуруҳдан келиб чиққан ҳолда белгиланади (1-гуруҳ – талабалар контингенти 2000 нафардан ортиқ бўлган, 2-гуруҳ – талабалар

2-бетда

УШБУ СОНДА

1-2-бетлар Янги ҳужжатларда қандай янгиликлар бор?

3-бет Ҳакамлик судининг истиқболи

4-бет Суд экспертизасининг аниқлашича...

5-12-бетлар Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар

$1 = 1317,63 сўм  €1 = 2073,55  £1 = 2530,24 сўм  ¥10 = 119,85 сўм

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2008 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Кпаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

контингенти 2000 нафардан кам бўлган олий таълим муассасалари). Олий таълим муассасаларининг педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлашнинг тартиби ва шартлари белгиланди.

* * *

**Президентнинг 2008 йил 30 июлдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-929-сон қарори билан** 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорларининг, ўқув ишлари, касбий таълим ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг иш ҳақи миқдорлари Ягона тариф тизими бўйича амалдаги ставкаларга нисбатан ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилади. Шунингдек 1 сентябрдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларига қўшимча ҳақ:

– гуруҳ раҳбарлиги учун – энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 100 фоизигача;

– ёзма ишларни текшириш учун – энг кам иш ҳақининг 30 фоизидан 50 фоизигача;

– ўқув ва лаборатория кабинетларига мудирлик учун – энг кам иш ҳақининг 25 фоизидан 50 фоизигача оширилади.

2008 йил 1 сентябрдан бошлаб педагог ва раҳбар ходимларнинг лавозимлари ва малака тоифалари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилашга, меҳнатга ҳақ тўлашнинг объектив, очиқ-равшан механизмини татбиқ этишга асосланган ушбу соҳа ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилмоқда. Шунингдек юқори касб маҳоратига эга бўлган ва таълим-тарбия жараёнига шахсан аниқ ҳисса қўшаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, шунингдек, бир марталик мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш йўли билан уларни рағбатлантириш учун Директор жамғармаси ташкил этилади. У бундай муассасаларнинг барчасида ташкил этилиши керак бўлиб, унинг маблағлари ҳар бир таълим муассасаси ҳузурида ташкил этиладиган махсус комиссиялар томонидан тасарруф этилади.

* * *

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарори билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими тасдиқланди.** Улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб амалга киритилади. ***Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг Директор жамғармаси тўғрисидаги низомлар*** тасдиқланди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларининг лавозим маошлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими ва малака тоифаси учун белгиланадиган базавий тариф ставкалари ва ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилиши белгиланган. Педагог ходимлариинг базавий тариф ставкалари ходимнинг лавозимига, малака тоифасига ва муассасасининг турига (академик лицей, касб-ҳунар коллежи) боғлиқ равишда табақалаштирилади. Раҳбарларнинг базавий тариф ставкалари ўқувчилар контингентига боғлиқ равишда муассасалар гуруҳларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида улар учун Директор жамғармасидан тўланадиган, базавий тариф ставкасининг 40 фоизигача миқдордаги ҳар ойлик устамалар белгиланади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатини нормалаштириш бир йилдаги 1 540 соат миқдоридаги иш вақтининг жамланган ҳисобидан келиб чиқадиган шахсий йиллик иш режаларига асосланади. Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш ставкаси миқдори белгиланган тартибда аниқланади.

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 26 июлдан 8 августгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 31-32-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 12 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1167,68 | 1 Малайзия ринггити | 397,36 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2530,24 | 1 Польша злотийси | 603,53 |
| 1 Дания кронаси | 264,63 | 1 СДР | 2098,95 |
| 1 БАА дирҳами | 358,76 | 1 Туркия лираси | 1113,33 |
| 1 АҚШ доллари | 1317,63 | 1 Швейцария франки | 1218,79 |
| 1 Миср фунти | 249,79 | 1 ЕВРО | 1973,55 |
| 1 Исландия кронаси | 16,04 | 10 Жанубий Корея вони | 12,73 |
| 1 Канада доллари | 1235,93 | 10 Япония иенаси | 119,85 |
| 1 Хитой юани | 191,94 | 1 Россия рубли | 55,18 |
| | | 1 Украина гривнаси | 271,96 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 13.08.2008 | 1 | 0,8131 | 1 | 1,2143 | 1 | 0,0335 |
| Арманистон | 13.08.2008 | 1 | 301,69 | 1 | 450,06 | 1 | 12,48 |
| Беларусь | 14.08.2008 | 1 | 2111 | 1 | 3150,56 | 1 | 87,39 |
| Грузия | 8.08.2008 | 1 | 1,416 | 1 | 2,19 | 1 | 0,06 |
| Қозоғистон | 14.08.2008 | 1 | 120,05 | 1 | 179,16 | 1 | 4,97 |
| Қирғизистон | 9.08.2008 | 1 | 34,9115 | 1 | 52,9485 | 1 | 1,4621 |
| Латвия | 14.08.2008 | 1 | 0,471 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0194 |
| Литва | 14.08.2008 | 1 | 2,3103 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,5627 |
| Молдова | 13.08.2008 | 1 | 9,6637 | 1 | 14,3916 | 1 | 0,398 |
| Тожикистон | 13.08.2008 | 1 | 3,422 | 1 | 5,1371 | 10 | 1,4058 |
| Ўзбекистон | 12.08.2008 | 1 | 1317,63 | 1 | 1973,55 | 1 | 55,18 |
| Украина | 13.08.2008 | 100 | 484,46 | 100 | 722,1845 | 10 | 1,9902 |
| Эстония | 13.08.2008 | 1 | 10,487 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,433784 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

***2008 йил 12 август ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси***

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1329,00 | 1331,00 | 1974,00 | 2004,00 |
| "Асака" банки | 1329,00 | 1331,00 | 1974,00 | 1979,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1330,00 | 1332,00 | 1975,00 | 1989,00 |
| "Пахта Банк" | 1330,00 | 1332,00 | 1995,00 | 1998,00 |
| "Халқ банк"и | 1329,00 | 1331,00 | 1974,00 | 1987,00 |
| "Ипотекабанк" | 1330,00 | 1332,00 | 1974,00 | 1980,00 |
| "Микрокредитбанк" | 1329,00 | 1331,00 | 1974,00 | 1989,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1329,00 | 1332,00 | 1965,00 | 1991,00 |
| "UzKDBбанк" | 1329,00 | 1332,00 | 1974,00 | 1989,00 |
| "Ғаллабанк" | 1330,00 | 1332,00 | 1974,00 | 1983,00 |
| "Трастбанк" | 1330,00 | 1332,00 | 1974,00 | 1984,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1329,00 | 1331,00 | 1974,00 | 1979,00 |
| "Алоқабанк" | 1330,00 | 1332,00 | 1975,00 | 1990,00 |
| "Ў-Т банк" | 1329,00 | 1332,00 | 1974,00 | 1994,00 |
| "Туронбанк" | 1329,00 | 1331,00 | 1974,00 | 1994,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1329,00 | 1331,00 | 1975,00 | 2000,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1330,00 | 1332,00 | 1980,00 | 1990,00 |
| "Туркистон" банк | 1330,00 | 1332,00 | 1975,00 | 1980,00 |
| "Даврбанк" | 1329,00 | 1332,00 | 1974,00 | 1994,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1330,00 | 1332,00 | 1973,00 | 2003,00 |
| "Капитал банк" | 1330,00 | 1332,00 | 1973,60 | 2003,00 |
| "Содерат банк" | 1329,00 | 1331,00 | 1974,00 | 2004,00 |
| "Ҳамкорбанк" | 1330,00 | 1332,00 | 1974,00 | 1990,00 |
| "Универсалбанк" | 1329,00 | 1332,00 | 1990,00 | 1995,00 |
| "Равнақбанк" | 1329,00 | 1331,00 | 1974,00 | 2004,00 |

***"Банк ахборотномаси" 32-сон (639) 2008 йил 13 август.***

РЕКЛАМА

pr_67

Хизматлар лицензияланган

STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION

МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

*30 дан зиёд офис ва 300 агент*

*– транспортнинг барча турларида юк ташиш*
*– юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш*
*– импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви*

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

УШБУ СОНДА:

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси *1-2-бетлар*

✓ **ҲУҚУҚ МАЙДОНИДА**

– Энг демократик суд *3-бет*

✓ **БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**

– Ҳисобдан чиқариш даромадли бўладими?
– Меҳнат дафтарчаларини ҳисобга оламиз *4-бет*

✓ **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**

– «Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».

**Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**

– ЎзР молия вазирининг «Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;

– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Давлат акциялари пакети (улушлари)ни давлат ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 5 июлдан 11 июлгача бўлган маълумот.**

*5-12-бетлар*

✓ **БИЗНЕС-ПАНОРАМА**

*13-16-бетлар*

***2005 йил мамлакатимиз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда унутилмас йил бўлди. Айни шу йили энг яқин истиқболда иқтисодий сиёсатнинг стратегик устуворликлари белгиланди, эркин тадбиркорлик иқтисодиётида муҳим роль ўйнаши керак бўлган кичик бизнеснинг салоҳиятидан ҳозирча етарли даражада фойдаланилмаётганлиги таъкидланди. Кичик бизнес субъектлари яқин вақт ичида республика ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги ўз улушларини 50 фоизга қадар етказишлари керак деган вазифа қўйилди. Иш ниятларни эълон қилишлар билан чекланмади. Кейин қабул қилинган, бизнесга катта эркинликлар беришга, хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг фаолиятига асоссиз аралашишдан ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари солиқ преференциялари ва кредит ресурсларини олиш имкониятларининг кенгайиши билан биргаликда кичик бизнесга «иккинчи ҳаёт» бағишлади. Унинг мамлакат ЯИМга улуши ўсганлигини намойиш қилган биринчи ярим йил якунлари бизнес ҳамжамияти иқтисодиётда бозор кўпроқ бўлсин, хусусий ташаббуслар кўпроқ бўлсин деган ҳукумат йўлини ижобий қабул қилганлигини яққол кўрсатмоқда.***

***Уч йил аввал «либерти мажмуи» бўйича белгиланган вазифалар орасида ҳам янгилик юз берди – «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонунни*** *(бундан кейин – «ҲС тўғрисида»ги Қонун)* ***қабул қилиш масаласи қўйилди. Очиғини айтганда, муаллиф ўшанда бунинг қандай судлиги тўғрисида тушунчага ҳам эга эмас эди. Бироқ асосийси, агар ҳокимиятнинг учинчи тармоғи шусиз ҳам етарли тўпламга – фуқаролик ва жиноят ишлари судлари, ихтисослашган хўжалик судига эга бўлса, қандайдир ҳакамлик судларининг нима учун кераклиги унчалик равшан эмас эди.***

***2006 йил октябрида «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди ва 2007 йил 1 январдан кучга киритилди.***

***Бироқ Қонун ўқиб чиқилганидан кейин ҳам унинг қандай суд эканлигини тушуниш мушкул бўлди. У суд машинасининг умумий механикасига қандайдир даражада мос келмайди. Бир томондан, ҳаммаси рисоладагидек – «Ҳакамлик судларининг фаолияти қонунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошкор қилинмаслиги, ҳакамлик судьяларининг холислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади»*** *(«ҲС тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси).* ***Бошқа томондан эса – «...Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмас. Ҳакамлик судлари юридик шахс бўлмайди»*** *(«ҲС тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси).*

***Ниҳоят, суд ишини юритишнинг анъанавий тизимига қоқилган сўнгги «мих» – «ҳакамлик судьяси – Ҳакамлик судида низони ҳал этиш учун ҳакамлик битими тарафлари томонидан сайланган ёки белгиланган тартибда тайинланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси»*** *(«ҲС тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси).* ***Эҳтимол, Қонун моддасини бўрттириб талқин этаётгандирман, бироқ ҳар қандай киши низоларни ҳал қилишда қонуний асосларда арбитр бўла оларкан-да. Қисқаси, барча шубҳагумонларни фақат суд амалиёти йўққа чиқариши мумкин эди. Ҳакамлик судининг биринчи мажлисидан сўнг мухбир Навоий вилояти бўйича ҳакамлик судининг раиси Гули НОРҚОБИЛОВА билан учрашди.***

# ЭНГ ДЕМОКРАТИК СУД

***Суҳбатдошим ҳақида икки оғиз сўз. У профессионал юрист. Вилоят хўжалик судида бир чақириқ судья бўлиб ишлади. Ҳозирда адвокатлик амалиёти билан шуғулланади, ўз адвокатлик бюросига эга.***

***– Ҳакамлик судининг дастлабки амалиётидан мамнунмисиз, муҳокама натижалари сизни қониқтирдими, ҳаммаси ўйлаганидек бўлдими?***

– Ҳеч қандай ғайриоддий, кутилмаган ҳол юз бермади. Жараён бир меъёрдаги амалий вазиятда ўтди. Бошқача бўлиши ҳам, эҳтимол, мумкин эмас эди. Ҳар ҳолда деярли бир йил ишга тайёргарлик кўрдик, ҳакамлик суди тўғрисида низом, регламент тайёрладик, бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилдик. Хуллас, ушбу саъй-ҳаракатларимиз бекор кетмади.

Иш иштирокчиларининг хоҳишларига асосан муҳокама сир тутиш тартибида кўрилди. Шу сабабли уни батафсил ёритишга ҳақим йўқ. Фақат «Қизилқумцемент» АЖ билан унинг пойтахтдаги дилерларидан бири ўртасида низоли вазият кўрилганлигини айтишим мумкин. Иккала тарафни қониқтириб, манфаатлар ихтилофи хайрли ҳал этилди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, муҳокама иштирокчилари ораларидаги асосий зиддиятларни судга қадар ўзлари ҳал қилганлар. Жараёнда ушбу аҳдлашувлар таъкидланди ва узил-кесил вариантда келишув битимида қайд этилди. Навбатда яна 5 иш бор.

***– Мен судьялар рўйхати билан танишдим, унда 24 фамилия бор. Кўп эмасми, асосийси, бутун минтақангизда адвокатлар 60 кишидан ошмаса, шунча профессионал юристларни қаердан тўпладингиз?***

– Ҳақиқатан ҳам, судьяларимиз рўйхатдаги таркибининг атиги ярми амалиётчи юристлардир. Қолганлари – бизнесда муваффақиятга эришган ва ўз муҳитида ҳурматга сазовор бўлган иқтисодчилар, менежерлар, тадбиркорлар. Яъни аввалбошдан нафақат ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар, балки иқтисодиёт ва бошқарув соҳаси профессионаллари, обрўли ва машҳур тадбиркорлар танлаб олинди. Бундай ёндашувни ҳакамлик судининг мақоми тақозо этди. Биз давлат органи ҳисобланмаймиз ва, эҳтимол, кўпроқ хўжалик юритувчи субъект манфаатларини ифодалайдиган арбитр вазифасини бажарувчи жамоат ташкилотига кирамиз. Бу ҳол, хусусан, нима учун ҳакамлик суди вилоят Савдо-саноат палатаси ҳузурида ташкил этилганлигини изоҳлайди.

Қарор қабул қилаётганда биз нафақат қонунга, балки адолатга ҳам амал қиламиз. Бу тушунчаларни ҳеч ҳам бир-бирига қарши қўймоқчи эмасман. Бунда кўп нарса суд муҳокамасининг ўз жиҳатларига боғлиқ. Масалан, хўжалик суди фаолиятининг амалиётидан келиб чиқишича, судья тақдим этилган материалларни эҳтиросларга берилмай ўрганиб чиқиб ва тарафларнинг далил-исботларини тинглаб, қонун асосида ҳукм чиқаради. Ишнинг бундай тугашидан норозиларга ҳал қилув қарори устидан юқори суд органларига шикоят қилиш ҳуқуқи берилган. Ҳакамлик судида ҳам қонун устувор туради, бироқ ундан ташқари, суд мажлиси давомида судья тарафларни яраштиришга, кейин улар қабул қилинган қарорни ихтиёрий равишда бажаришлари, бундан сўнг ҳам ҳамкорлик алоқаларини сақлаб қолиш имкониятларини йўқотмасликлари учун иккала тарафни қониқтирадиган, муросали ва иккала тараф учун мақбул вариантни топишда ёрдам беришга имкон берадиган далил-исботлар ҳамда имкониятларни топиши керак. Суд таомилларининг қарор қисмида ҳам ана шу фарқни ҳис этиш мумкин. Хўжалик судида у ҳал қилув қарори, бизда эса ҳакамлик битими дейилади.

***– Маълумки, фуқаролик суди иш юритишида суднинг ҳал қилув қарорини ихтиёрий тартибда бажариш имконияти назарда тутилган. Бироқ ана шу суд машинаси мажбурлаб бажартириш чораларига ҳам эга. Агар кейинчалик тарафлардан бири бирор-бир сабабга кўра фикридан қайтса ва эришилган аҳдлашувни бажаришдан бош тортса, ҳакамлик битими ишлаши учун нима қилиш керак? Ёки, бунинг устига, иш ўз фойдасига ҳал этилиши умидида хўжалик судига даъво аризаси топширсачи?..***

– Эҳтимол, судларни ўзаро тўқнаштириш фикри жозибали кўринар, бироқ бирорта ҳам суд ҳакамлик битимига эга бўлган ишни кўришга қабул қилмаслиги боис ушбу машғулот истиқболсиздир. Тарафлардан бири зиммасига олган мажбуриятларни ихтиёрий равишда бажаришдан бўйин товлаган тақдирда ўша хўжалик судига ҳакамлик битимини тақдим этиш кифоя қилади, суднинг ўзиёқ мажбур қилиш механизмини ишга солиб, бунга суд приставларини жалб этади. Қисқаси, ҳакамлик битими қандайдир «қуруқ қоғоз» эмас, балки юридик кучга эга бўлган тўлақонли ҳужжатдир.

***– Ҳакамлик судига аризалар қандай келиб тушади? Агар тижорат мақсади ихтилофлар предмети бўлса, суд хўжалик юритувчи субъект билан давлат ҳокимияти органи ўртасидаги низони кўриб чиқишга қабул қилиши мумкинми?***

– Бунда ҳам ҳеч қандай мушкуллик йўқ. Шартнома мажбуриятларини тузаётганда хўжалик юритувчи субъектлар, одатда, ҳужжат бўлимларининг бирида низоли масалаларни қандай ҳал қилишлари, қайси суд инстанцияларини арбитр қилиб танлашларини ёзиб қўядилар. Агар шартномада ҳакамлик суди кўрсатилган бўлса, бошқа таъкидлар бўлмаса, манфаатлар ихтилофи юз берганда бизга мурожаат қилинг. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, агар шартномада ҳакамлик суди қайд этилган бўлса, хўжалик суди ёки умумий фуқаролик судлари иш юритишга аризани қабул қилмайди.

Истиқболда тижорат тузилмаси билан давлат идораси ўртасида тахмин қилинаётган муҳокамага келсак, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига кўра бундай низолар бизга тегишли эмас. Умуман олганда, бундай низолар эҳтимол жуда оз, деб ўйлайман. Зеро ҳозирда бюджет маблағлари ҳисобидан ҳақи тўланадиган давлат буюртмалари тадбиркорларга тендерлар орқали тегади, улардан тасо-



дифий, ривожланиш тарихи ва обрўнуфузга эга бўлмаган тузилмалар танлов иштирокчиларини танлаб олиш босқичидаёқ тушиб қолади. Агар бирорта ҳокимлик кичик корхонадан ўн-йигирма минг сўмлик ёзув-чизув қуролларини харид қилсаю, тўловни кечиктирса, ушбу масалани суддан ташқари тартибда ҳал қилиб бўлмайди деб ўйламайман.

***– Фикрингизча, ҳакамлик суди тадбиркорлар учун нимаси билан жозибали ва қулай, у учинчи ҳокимиятнинг амалдаги тизимида ўз ўрнини эгаллай оладими?***

– Агар мавжуд ҳолат бундан кейин ҳам ўйланганидек ривожланса, ҳакамлик суди энг демократик судга айланади дея оламан. Унинг шарҳлашга ҳожат бўлмаган баъзи афзал жиҳатларини айтиб ўтмоқчиман. Тарафларнинг ўзлари судьяни сайлашга, у одил судловни якка ўзи ёки ҳайъат билан амалга оширишини ҳал қилишга ҳақлилар. Ишни ҳужжатларни қабул қилиш санасидан то ҳакамлик битимини имзолашгача бўлган даврда кўриб чиқиш, менинг ҳисоблашимча, кўпи билан бир-бир ярим ойга боради. Қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинмайди. Ҳакамлик судида кассация ва апелляция инстанциялари мавжуд эмас. Нафақат суд вертикали бўйича кўтарилиши зарурати ва бунда бир талай вақтни йўқотишга ҳожат қолмайди, балки суд чиқимларини жиддий равишда қисқартириш имконияти ҳам пайдо бўлади. Ҳакамлик суди йиғимининг миқдори – арз қилинган даъво суммасининг 1 фоизи, бироқ энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан кам эмас. Бироқ ушбу тўловларни ҳам тежаш имконияти мавжуд. Иш судьянинг якка ўзи томонидан кўрилганида ҳакамлик суди йиғимининг даражаси 25 фоизга камаяди (бунда унинг миқдори ЭКИҲнинг 2 бараваридан кам бўлмаслиги керак), суд муҳокамасигача тарафлар келишув битимига эришсалар – 50 фоизга қисқаради*.

Ҳакамлик суди йиғими тўлалигича суд ихтиёрида қолади ва унинг харажатларини қоплаш учун – судьяларга гонорарлар, ташкилий техникани харид қилиш, алоқа хизматларига ҳақ тўлаш ва ҳоказолар учун мўлжалланган. Ҳозирча биз вилоят Савдо-саноат палатасининг дотациясидамиз дейиш мумкин. У бизга ўз хоналарини берди, компьютерлар, мебель ажратди, сарфлаш материаллари ва телефон алоқаси билан таъминлади. Палатанинг ёрдамисиз минтақада ҳакамлик суди бугунги кунда ишлай олмасди дейиш мумкин.

***– Ҳакамлик суди оёққа тура бориши ва ўзининг «мижозлар» базасини кенгайтириши билан вақти келгач хўжалик судининг жиддий рақобатчисига айланади деб ўйлайсизми?***

– Фикримча, ҳеч қандай рақобат тўғрисида сўз бориши мумкин эмас. Судлар хизматлар кўрсатиш билан шуғулланмайдилар. Шу сабабли улар ўртасидаги рақобат тўғрисида сўзлашга тўғри келмайди. Иш ҳаммамизга етиб ортади. Қимматга тушадиган суд чиқимлари ва узоқ давом этадиган муҳокамалар туфайли хўжалик суди кўпинча кичик бизнес вакиллари учун қўл етмас бўлиб қолаётганлиги эса бошқа масала. Ҳакамлик судининг имкониятлари эса уларга ўз ҳуқуқий муаммоларини тушунчалар бўйича эмас, балки қонун ва адолат бўйича ҳал этишга имкон беради.

*Суҳбатдош ўз мухбиримиз*
***Амир МАҲМУДОВ.***

** Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида тарафларнинг ҳакамлик йиғими, харажатлари ва чиқимлари тўғрисида низом (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ижроия қўмитасининг 2007 йил 8 октябрдаги 43-сон Баённомаси билан тасдиқланган).*

# ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ ДАРОМАДЛИ БЎЛАДИМИ?

**?**

***Бизнинг «МЕХМОСТ» ОАЖ (ХХТУТ коди 61135) 2007 йил декабрида асосий воситаларни ҳисобдан чиқарди. Бунда уларни қисмларга ажратганда олинган фойдаланишга яроқли узеллар ва деталлар, темир-терсаклар комиссион тарзда белгиланган, эҳтимолий фойдаланиш нархлари бўйича кирим қилинган. Яроқли узеллар ва деталлардан мавжуд техникани таъмирлаш учун фойдаланиш мўлжалланмоқда, темир-терсаклар 2008 йил мобайнида қисмларга бўлиб «Ўзиккиламчиқораметаллар» корхонасига топширилиши керак. Бухгалтерия проводкалари молия вазирининг «Асосий воситаларни balансдан чиқариш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» буйруғига (2004 йил 16 августдаги 101-сон) мувофиқ бажарилди. Бунда 9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи 9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» ҳисобварағи кредитига ёпилди, яъни, аслини олганда, уларни қисмларга бўлиш харажатлари чиқарилиб, асосий воситаларни қайта баҳолаш сальдоси қўшилиб, асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан кирим қилинган яроқли узеллар ва деталлар, темир-терсакларнинг қиймати бошқа операцион даромадлар сифатида ҳисобга олинди ҳамда 2007 йил учун 2-шаклда Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг 090-сатрида акс эттирилди.***

***2008 йил мартида аввалги йилнинг якунларини аудиторлик текшируви давомида аудиторлар таъкидлашдики, мазкур ҳолда даромад деб ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларни қисмларга ажратишдан олинган яроқли узеллар ва деталлар ҳамда харидорларга юклаб жўнатилган темир-терсаклар («Ўзиккиламчиқораметаллар» корхонасига топширилган темир-терсаклар)нинг қиймати, шунингдек асосий воситаларни қайта баҳолаш сальдоси эътироф этилади. Агар бундай материаллар корхона қолдиқларида қайд этилса, улар даромад деб эътироф этилиши мумкин эмас ва 2-шаклда 2007 йил учун Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг 090-сатридан чиқарилиб, фойда солиғи ва ижтимоий инфратузилмани тутиб туриш солиғи тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиниши керак.***

***Бундан ташқари, 2007 йил майида ишлатилган компьютерни (процессор ва монитор) 490 000 сўмга харид қилдик ва 1080-«Хўжалик инвентари ва анжомлари» ҳисобварағига кирим қилдик, чунки корхонанинг ҳисоб сиёсатида назарда тутилишича, асосий воситаларга хизмат қилиш муддати 1 йилдан ошган ва қиймати 50 ЭКИҲдан (12 420 х 50 = 621 000 сўм) кўп бўлган предметлар киради.***

***Аудиторлар компьютер ускунаси қийматидан қатъи назар асосий воситаларга киради деб таъкидладилар ва 2007 йил учун мол-мулк солиғини қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда уни АВ таркибига ўтказишни таклиф қилдилар.***

***Тушунтириб берсангиз, аудиторлар ушбу ҳолларда ҳақмилар ва, агар асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан олинган ва харидорга юклаб жўнатилган материалларнигина («Ўзиккиламчиқораметаллар» корхонасига топширилган темир-терсакларни) даромад (фойда) деб ҳисобласак, балансда 9210-»Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» ҳисобварағи бўйича кредит қолдиғини, у ушбу ҳисобварақда ҳосил бўлади, қандай қилиб тўғри акс эттира оламиз?***

**А.Добренко.**

– Асосий воситаларни тугатишга доир молиявий натижа Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида низомга *(молия вазирининг АВ томонидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган)* мувофиқ аниқланади. Мазкур Низомнинг 20-бандига кўра ҳисобдан чиқаришдан фойда (зарар) ҳисобдан чиқарилаётган асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати билан жамланган эскириш ўртасидаги, бунда мазкур объектни тугатиш харажатлари ва яроқли узеллар, деталлар, материаллар, рангли ва қимматбаҳо материаллар қиймати ҳисобга олинади, мазкур асосий воситаларни қайта баҳолаш натижаларига (сальдога) тузатилган фарқ сифатида аниқланади:

***Фойда (зарар) = М + Сқ – (Дқ – Жэ) – Тх,*** бу ерда:

***Дқ*** – дастлабки қиймат;

***Жэ*** – жамғарилган эскириш;

***Тх*** – тугатиш харажатлари;

***Сқ*** – қайта баҳолаш сальдоси (8510-ҳисобварақ сальдоси);

***М*** – яроқли эҳтиёт қисмлар ва бошқа материалларнинг қиймати (харидорларга реализация қилинганлари эмас, балки кирим қилинган яроқли материаллар назарда тутилади).

***Мисол.*** *Тиклаш қиймати 1 200 минг сўм бўлган асосий воситаларнинг амортизацияланган объекти тўлиқ ҳисобдан чиқарилялти, унга доир қайта баҳолаш сальдоси – 80 минг сўм. Тугатиш натижасида бундан кейин фойдаланиш учун яроқли бўлган, 280 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар кирим қилинди. Тугатиш (демонтаж) харажатлари 65 минг сўмни ташкил қилди.*

*Мазкур ҳолда тугатишдан фойда 295 минг сўмни (280 + 80 – (1 200 – 1 200) – 65) ташкил қилади. Айни шу сумма фойда солиғи ҳисобкитобида бошқа даромад сифатида солиқ солинадиган базага киритилади ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг 090-сатрида кўрсатилади. Бухгалтерия ҳисобида бу нарса қуйидаги проводкалар билан акс эттирилади:*

| *Хўжалик операциясининг мазмуни* | *Сумма (минг сўм)* | *Ҳисобварақлар корреспонденцияси* | |
|---|---|---|---|
| | | *дебет* | *кредит* |
| Объектнинг тиклаш қийматини ҳисобдан чиқариш | 1 200 | 9210 | 0100 |
| Ҳисоблаб ёзилган эскиришни ҳисобдан чиқариш | 1 200 | 0200 | 9210 |
| Қайта баҳолаш сальдосини ҳисобдан чиқариш | 80 | 8510 | 9210 |
| Яроқли материалларни кирим қилиш | 280 | 1000 | 9210 |
| Тугатиш харажатлари ҳисобдан чиқарилган | 65 | 9210 | 6710, 6520, 1010 ва б. |
| Объектни ҳисобдан чиқаришдан натижани акс эттириш | 295 | 9210 | 9310 |

Агар асосий воситалар объектини ҳисобдан чиқаришда кирим қилинган материаллар кейинчалик реализация қилинса, уларни реализация қилишдан фойда корхонанинг бошқа фойдаларига киритилиши ва тегишинча, унга солиқ солиниши керак:

***Мисол.*** *280 минг сўмлик материаллар кейинги йили 400 минг сўмга сотилди, шу жумладан ҚҚС – 56 минг сўм. Корхонанинг бошқа даромадлари таркибига киритиладиган ва солиқ солинадиган фойда 64 минг сўмни (400 – 280 – 56) ташкил қилади.*

| *Хўжалик операциясининг мазмуни* | *Сумма (минг сўм)* | *Ҳисобварақлар корреспонденцияси* | |
|---|---|---|---|
| | | *дебет* | *кредит* |
| Материаллар реализацияси акс эттирилади | 400 | 4010 | 9220 |
| ҚҚС акс эттирилади | 56 | 9220 | 6410 |
| Материалларни ҳисобдан чиқариш | 280 | 9220 | 1000 |
| Реализация қилишдан фойда акс эттирилиши | 64 | 9220 | 9320 |

Шуни таъкидлаш лозимки, мол-мулк чиқиб кетганида фойда солиғи тўловчи корхоналарда чиқиб кетишдан зарар кўрилганда ҳам солиқ оқибатлари юзага келади – у фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаётганда чегирилмайдиган харажатларга киради *(Солиқ кодекси 147-моддасининг 24-банди)*. Қуйидаги зарарлар истиснони ташкил қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра мол-мулкни бепул (текин) беришдан;

телекоммуникациялар тармоқларида тезкор қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини текин беришдан ҳамда улардан бепул фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишдан;

уч йилдан кўп вақт фойдаланилган асосий воситаларни реализация қилишдан.

5-сон БҲМС «Асосий воситалар»да *(молия вазирининг АВ томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган)* белгиланишича, асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

а) хизмат қилиш муддати бир йилдан ошган;

б) бир бирлик (комплект) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар.

Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилаш ҳуқуқига эгадир. Компьютер, ҳатто унинг қиймати белгиланган чегарадан кам бўлса-да, корхонанинг асосий воситаларига киритилади ва 0150-«Компьютер ускунаси ва ҳисоблаш техникаси» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
04_0020
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Карши: (99875) 227-18-11

***Меҳнат дафтарчаларини олиш, бериш ва сақлаш тартиби Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома*** *(АВ томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 402-сон Йўриқнома)* ***билан тартибга солинади. Меҳнат дафтарчаси – ходимларнинг мулкчилик шакли ва хўжалик фаолиятидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлардаги меҳнат стажини тасдиқлайдиган ҳужжат. Улар 5 кундан ортиқ ишлаган ходимларга, шу жумладан маълум муддатга ёлланганларга, шунингдек давлат ижтимоий суғурта қилиниши кўзланган тақдирда штатдан ташқари ходимларга юритилади*** *(402-сон Йўриқноманинг 1.1-банди).*

# МЕҲНАТ ДАФТАРЧАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛАМИЗ




Корхона меҳнат дафтарчаларини маҳаллий меҳнат органларидан олди-сотди шартномасига асосан харид қилади. Бунинг учун у ёзма ариза тақдим этади, унда штат жадвали бўйича ходимларнинг сони, бўш турган лавозимлар миқдори, меҳнат дафтарчаси берилиши лозим бўлган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Меҳнат дафтарчалари ишга биринчи марта кираётган ва ишлаган шахсларга иш берувчининг ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруғига асосан берилади. Меҳнат дафтарчасини олган ходимлар корхона кассасига энг кам иш ҳақининг 10 фоизини тўлашлари керак *(402-сон Йўриқноманинг 5.1-банди).*

Бухгалтерия ҳисобида меҳнат дафтарчаларини харид қилиш ва ҳисобдан чиқариш харажатлари бухгалтернинг танловига қараб қуйидаги икки усулнинг бири билан акс эттирилиши мумкин:

| *Корхонанинг меҳнат дафтарчаларини харид қилиш ва ҳисобдан чиқариш харажатлари акс эттирилади* | | |
|---|---|---|
| | *дебет* | *кредит* |
| **I вариант** | | |
| Меҳнат дафтарчаларини харид қилиш бўйича бўнак тўланган | 4330-“Бошқа берилган бўнаклар” | 5110-“Ҳисоб-китоб рақами” |
| Келиб тушган меҳнат дафтарчалари кирим қилинган | 5610-“Пул эквивалентлари” | 6010-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” |
| Бўнакни ҳисобга олиш | 6010-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” | 4330-“ Бошқа берилган бўнаклар” |
| Меҳнат дафтарчаларини етказиб берувчига қолган суммани тўлашнинг акс эттирилиши | 6010-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” | 5110-“Ҳисоб-китоб рақами” |
| Меҳнат дафтарчасининг берилиши | 9430-“Бошқа операцион харажатлар” | 5610-“Пул эквивалентлари” |
| Меҳнат дафтарчаси учун ходимнинг қарзи (ЭКИҲ 10%и) акс эттирилган | 4890-“Бошқа дебиторларнинг қарзи” | 9390-“Бошқа операцион даромадлар” |
| Ходимнинг ЭКИҲ 10%ини тўлаши | 5010-“Миллий валютадаги пул маблағлари” 5110-“Ҳисоб-китоб рақами” | 4890-“Бошқа дебиторларнинг қарзи” |
| Меҳнат дафтарчаси учун ходимнинг иш ҳақидан ЭКИҲ 10%и ушланиши | 6710-“ Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар” | 4890-“Бошқа дебиторларнинг қарзи” |
| **II вариант** | | |
| Меҳнат дафтарчалари бланкаларининг кирим қилиниши | 1090-“Бошқа материаллар” | 6010-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар” ёки 6990-“Бошқа мажбуриятлар” |
| Меҳнат дафтарчалари ҳисобдан чиқарилган | 9430-“Бошқа операцион харажатлар” | 1090-“Бошқа материаллар” |
| Ходимларга берилишигача балансдан ташқари меҳнат дафтарчаларининг ҳисоби | 006-“Қатъий ҳисобот варақлари” | |
| Ходимга берилаётганда меҳнат дафтарчасини ҳисобдан чиқариш | | 006-“Қатъий ҳисобот варақлари” |
| Меҳнат дафтарчаси учун ходимнинг қарзи акс эттирилган (ЭКИҲ 10%и) | 4890-“Бошқа дебиторларнинг қарзи” | 9390-“Бошқа операцион даромадлар” |
| Ходим томонидан ЭКИҲ 10%и тўланиши | 5010-“Миллий валютадаги пул маблағлари” 5110-“Ҳисоб-китоб рақами” | 4890-“Бошқа дебиторларнинг қарзи” |

Меҳнат дафтарчалари қатъий ҳисобот ҳужжатларидир. Қатъий ҳисобот бланкаларининг инвентаризацияси ойда бир марта 19-сон БҲМС «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» *(АВ томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*, Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисида низомнинг *(молия вазирининг АВ томонидан 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган)* 44-банди билан белгиланган тартибда ўтказилади. Уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги бошланғич ва охирги рақамларини ҳисобга олган ҳолда бланкаларнинг турлари бўйича ўтказилади.

Инвентаризация натижалари 19-сон БҲМСга 15-илова «Тилхат»га мувофиқ махсус рўйхат билан расмийлаштирилади. Инвентаризациянинг якуний натижалари «Нақд пул маблағларини инвентарлаш далолатномаси» *(19-сон БҲМСга 14-илова)* 4-бандида акс эттирилади. Меҳнат дафтарчалари кадрлар бўлимида ёки асосий иш жойидаги меҳнат дафтарчалари берилиши учун масъул шахсда сақланиши керак *(402-сон Йўриқноманинг 1.6-банди).*

***Тушунтиришлар «Norma Ekspert» гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланди.***

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР молия вазирининг «Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;

– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Давлат акциялари пакети (улушлари)ни давлат ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

- **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 5 ИЮЛДАН 11 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# АДВОКАТЛАР ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН ЮРИДИК ЁРДАМ УЧУН ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ҲАҚ ТЎЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 26-27-сон, 250-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига, «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 майдаги ПФ–3993-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда кам таъминланган шахсларнинг адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдамдан фойдаланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

фуқарони юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори, суднинг ажрими гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш учун асос ҳисобланади;

оиласида ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган ялпи ойлик даромад юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш тўғрисида қарор (ажрим) қабул қилинган кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаган шахслар адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилинади ва харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади;

гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимоячидан воз кечиши билан боғлиқ процессуал ҳаракатда адвокат иштирок этиши ҳолларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 52-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ жиноят ишида ҳимоячининг қатнашиши мажбурий деб ҳисобланган ҳолларда ҳам юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш бўйича харажатлар давлат ҳисобига ўтказилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ҳар йили Давлат бюджетининг харажатлари параметрларида адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашга маблағларни назарда тутсин;

адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун адвокатлик тузилмаси тегишли молия органига мурожаат қилгандан кейин ўттиз кундан кечикмай Молия вазирлигининг қарор (ажрим) чиқарган орган жойлашган жойдаги Ғазначилиги ҳудудий бўлинмаси орқали ҳақ тўланишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги бир ой муддатда:

адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун тўланадиган ҳақнинг амалдаги миқдорини 25 фоизга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласинлар;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг белгиланган тартибда ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

4. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида» 1997 йил 16 июндаги 297-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПҚ–594-сон қарори)» 2007 йил 26 июндаги 129-сон қарорига илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 6-сон, 35-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 20 июнь*
*137-сон.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# КАСАНАЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПАРАМЕТРЛАРИ БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ЖАВОБГАРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 26-27-сон, 254-модда)*

Касаначиликни ривожлантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар айниқса ишчи кучлари ортиқча бўлган кичик шаҳарлар ва қишлоқ туманларида аҳолини меҳнат фаолиятига кенг жалб этиш, шунингдек шу асосда аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадларини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашди. 2006 йилдан ҳозирги вақтгача бўлган даврда 190 мингдан ортиқ касаначилик иш ўрни ташкил этилди.

Шу билан бирга, ўрганиб чиқиш натижалари касаначиликни ривожлантириш параметрларини ишлаб чиқиш ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш методологик базасининг такомиллашмаганлигини, касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш, шунингдек уларнинг уйда ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплашнинг пухта механизми йўқлигини кўрсатади.

Касаначиликнинг янги иш ўринларини, шу жумладан касаначиликнинг турларини кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этиш учун мавжуд захираларни аниқлаш ва сафарбар қилиш, шунингдек касаначиларни буюртмалар, хом ашё, материаллар билан ўз вақтида таъминлаш ва уларга иш ҳақи тўланишини назорат қилиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ҳокимликлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш талаб этилади.

Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши, касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар беришни тартибга солиш, шунингдек уларнинг уйида ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплаш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари касаначиликни ривожлантиришнинг тегишли равишда ҳудудий ва тармоқ параметрлари бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда:

касаначиликни ривожлантиришнинг ҳар йилги ҳудудий ва тармоқ параметрлари шакллантирилишини, зарурият бўлганда, кўрсатиб ўтилган параметрларга касаначиликнинг янги иш ўринлари ташкил этишнинг аниқланган захиралари ишга туширилишини назарда тутадиган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласинлар;

касаначиликни ривожлантиришнинг тасдиқланган ҳудудий ва тармоқ параметрлари бажарилиши устидан мониторинг ўрнатсинлар.

2. Қуйидагилар:

Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурларини шакллантириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Корхоналар ва уйда маҳсулот ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишчи комиссия тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Корхоналарнинг буюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Касаначининг уйида ёки ўзига тегишли бошқа жойларда ишлаб чиқариш топшириғини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда корхоналар томонидан 2008 йилда касаначиликни ривожлантириш параметрларини Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурларини шакллантириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ва касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги Низомда назарда тутилган шаклга мослаштириш ишларининг мувофиқлаштириб борилишини таъминласин;

касаначилик иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси, шу жумладан ҳудудий бўлинмаларда шакллантирилиши ва мунтазам янгилаб борилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 1 июль*
*146-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорига*
*1-ИЛОВА*

# КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУДУДИЙ ВА ТАРМОҚ ДАСТУРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ ҲАМДА КАСАНАЧИЛИК ИШ ЎРИНЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
## НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурларини шакллантириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

2. Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ параметрлари иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига кенг жалб этиш, корхоналар ва касаначилик ўртасидаги кооперацияни кенгайтириш ва шу асосда аҳоли бандлигини ҳамда турмуш даражасини ошириш мақсадида шакллантирилади.

3. Касаначилик иш ўрни:

касаначи ва корхона ўртасида Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига 2-иловага мувофиқ шакл бўйича меҳнат шартномаси тузилган бўлса;

касаначининг уйида ташкил этилган иш ўрни иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириғини бажариш шартларига мувофиқ бўлса ташкил этилган ҳисобланади.

Касаначи ва корхона ўртасидаги меҳнат шартномасининг амал қилиши тўхтатилганда касаначилик иш ўрни тугаган деб ҳисобланади.

4. Ташкил этилган касаначилик иш ўрни:

касаначи ҳисобот даври мобайнида ишларни меҳнат шартномасига мувофиқ бажарган бўлса;

касаначига бажарилган иш учун ҳар ойда иш ҳақи ёзиб турилган бўлса, касаначи ушбу даврда меҳнат таътилида бўлган ёки вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлган тақдирда — унга меҳнат таътили ҳақи ёки вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ёзилган бўлса фаолият кўрсатаётган ҳисобланади.

Ушбу бандда, шунингдек мазкур Низомнинг 3-банди учинчи хатбошида назарда тутилган шартлар бажарилмаган тақдирда ташкил этилган касаначилик иш ўрни фаолият кўрсатмаётган ҳисобланади.

## II. КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУДУДИЙ ВА ТАРМОҚ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

5. Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ параметрлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, хўжалик бошқаруви органлари томонидан корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари асосида шакллантирилади.

6. Корхоналар томонидан туманлар (шаҳарлар) бандликка кўмаклашиш марказлари билан биргаликда ҳар йили жорий йилнинг 5 январигача, корхоналар фаолияти хусусиятларини ҳамда улардаги касаначилик иш ўринларини ташкил этишнинг мавжуд захираларини ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан касаначилик турларини кенгайтириш ҳисобига, жорий календарь йил учун касаначиликни ривожлантириш параметрлари ишлаб чиқилади. Корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ шакл бўйича ишлаб чиқилади ҳамда туманлар (шаҳарлар) бандликка кўмаклашиш марказлари раҳбарлари томонидан имзоланади.

Туманлар (шаҳарлар) бандликка кўмаклашиш марказлари корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари асосида, корхоналар ва уйида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш, ва ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ишчи комиссиялар (кейинги ўринларда ишчи комиссиялар деб аталади) билан келишган ҳолда касаначиликни ривожлантиришнинг туман (шаҳар) параметрларини ишлаб чиқадилар. Касаначиликни ривожлантиришнинг туман (шаҳар) параметрлари туманлар (шаҳарлар) бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан жорий йилнинг 8 январигача бўлган муддатда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари туман (шаҳар) касаначиликни ривожлантириш параметрлари асосида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий параметрларини ишлаб чиқадилар ҳамда уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун жорий йилнинг 15 январигача бўлган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига киритадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари касаначиликни ривожлантиришнинг тасдиқланган ҳудудий параметрларини жорий йилнинг 20 январигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига тақдим этадилар. Тасдиқланган ҳудудий параметрлар уларнинг бажарилиши мониторингини таъминлаш учун кўрсатиб ўтилган муддатда ишчи комиссияларга ҳам жўнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги касаначиликни ривожлантиришнинг тасдиқланган ҳудудий параметрларини умумлаштиради ва уларни жорий йилнинг 25 январигача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар комплексига тақдим этади.

7. Хўжалик бошқаруви органлари таркибига кирувчи корхоналар ушбу Низомнинг 6-банди биринчи хатбошига мувофиқ ишлаб чиқилган параметрларни жорий йилнинг 8 январигача вилоят (ҳудуд, минтақа) даражасидаги юқори ташкилотларга ҳам жўнатадилар. Вилоят (ҳудуд, минтақа) даражасидаги ташкилотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, кўрсатиб ўтилган параметрлар хўжалик бошқаруви органининг марказий аппаратига тақдим этилади.

Хўжалик бошқаруви органларининг вилоят (ҳудудий, минтақавий) бўлинмалари корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрларини умумлаштирадилар ва уларни 10 январгача бўлган муддатда хўжалик бошқаруви органларининг марказий аппаратларига киритадилар.

Хўжалик бошқаруви органлари (марказий аппаратлар) тақдим этилган материаллар асосида касаначиликни ривожлантиришнинг тармоқ параметрларини ишлаб чиқадилар, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлайдилар ҳамда уларни 20 январгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплексларига киритадилар.

8. Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий параметрлари аҳоли бандлиги ҳудудий дастурларини шакллантиришда ҳисобга олинади.

## III. КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУДУДИЙ ВА ТАРМОҚ ДАСТУРЛАРИ БАЖАРИЛИШИ МОНИТОРИНГИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ШУНИНГДЕК КАСАНАЧИЛИК ИШ ЎРИНЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ

9. Қуйидагилар касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ параметрлари бажарилиши мониторингининг (кейинги ўринларда мониторинг деб аталади) ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олишнинг асосий мақсади ва вазифалари ҳисобланади:

касаначиликни ривожлантириш ҳудудий ва тармоқ параметрларининг ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш;

касаначиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган

*1-илова берилмайди.*

омилларни ўрганиш ва аниқлаш, шу асосда уларни бартараф этиш ҳамда корхоналарга касаначиликни ташкил қилиш ва унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш масалаларида кўмаклашиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар кўриш;

корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича касаначилик билан банд бўлган шахсларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқларини таъминлаш;

ташкил этилган ва тугаган касаначилик иш ўринларининг ҳаққоний статистик ҳисобини ташкил қилиш, касаначилик иш ўринлари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва доимий равишда янгилаб бориш.

10. Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ параметрлари амалга оширилиши мониторинги (кейинги ўринларда мониторинг деб аталади) ва касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш:

аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурларида назарда тутилган касаначиликни ривожлантириш параметрларининг бажарилиши бўйича — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан;

касаначиликни ривожлантириш тегишли ҳудудий параметрларининг бажарилиши бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари томонидан;

касаначиликни ривожлантиришнинг тегишли тармоқ параметрлари бўйича — хўжалик бошқаруви органлари томонидан;

тегишли туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган корхоналарда касаначиликни ривожлантириш параметрларининг бажарилиши бўйича — ишчи комиссиялар, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан;

аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудлар ва тармоқ дастурлари доирасида касаначиликни ривожлантиришнинг боришини умумлаштириш ва таҳлил қилиш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан;

ташкил этилган ва тугаган касаначилик иш ўринларининг статистик ҳисобини ташкил қилиш бўйича — давлат статистика органлари томонидан амалга оширилади.

11. Касаначилик иш ўринлари мониторинги ва уларни ҳисобга олиш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ишчи комиссиялар ва корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлик қилиш механизмига биноан амалга оширилади.

12. Мониторинг:

касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ параметрларини, шу жумладан корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрларини бажаришнинг бориши тўғрисида ишчи комиссияларнинг сўровлари бўйича олинадиган маълумотларни;

ташкил этилган, фаолият кўрсатаётган ва тугаган касаначилик иш ўринлари тўғрисидаги статистик маълумотларни;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказиладиган текширишларнинг меҳнат қонунчилигига мувофиқ касаначилар ҳуқуқларига риоя қилинишига, ташкил этилган касаначилик иш ўринларининг фаолият кўрсатишига тааллуқли материалларини;

корхоналарда уларнинг юқори ташкилотлари — хўжалик бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган текширишлар ва ўрганишлар материалларини;

касаначилик иш жойларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тўғрисида рухсат берилган манбалардан олинадиган бошқа ахборотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан, касаначиликни ривожлантиришнинг тасдиқланган параметрлари, мониторинг ва уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказадиган текширишлари натижалари, статистика маълумотлари асосида касаначилик иш ўринлари тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилади.

14. Касаначилик иш ўринларининг давлат статистика ҳисоби Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ ҳар бир календарь йил учун белгиланадиган, белгиланган тартибда тасдиқланадиган давлат статистика ҳисоботи шакллари асосида амалга оширилади.

## IV. КАСАНАЧИЛИК ИШ ЎРИНЛАРИ МОНИТОРИНГИ ВА УЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ НАТИЖАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

15. Мониторинг натижалари бўйича ҳар чоракда йиғма таҳлилий ахборот тайёрланади ва кўриб чиқиш учун:

ишчи комиссияга — туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига — Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳайъатига — вазирликнинг марказий аппарати тегишли таркибий бўлинмаси томонидан;

хўжалик бошқаруви органлари бошқарувига (коллегиал органга) — кўрсатиб ўтилган хўжалик бошқаруви органларининг марказий аппарати тегишли таркибий бўлинмалари томонидан киритилади.

16. Йиғма таҳлилий ахборотда касаначилик иш ўринларини ташкил этиш бўйича умумлаштирилган маълумотлардан ташқари:

параметрларни бажаришда қолоқликка йўл қўйган туманлар (шаҳарлар) ва корхоналар (иқтисодиёт тармоқлари) кўрсатилган ҳолда касаначиликни ривожлантириш ҳудудий ва тармоқ параметрларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборот;

касаначилик иш ўринлари сони кўпайишини, шу жумладан мақсадли кредитлар ажратилишини таъминлаш бўйича туман, вилоят, тармоқ ва республика даражасида кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборот;

касаначилик иш ўринлари сони кўпайтирилишини таъминлаш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича асосланган таклифлар;

ўзлари тасдиқлаган касаначилик иш ўринларини ташкил этиш дастурларини бажаришда жиддий қолоқликка йўл қўйган корхоналар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

17. Ушбу Низомнинг 15-16-бандларига мувофиқ киритилган йиғма таҳлилий-ахборот касаначиликни ривожлантириш параметрларини бажаришда қолоқликка йўл қўйган раҳбар ва масъул ходимларнинг жавобгарлигини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаган, шунингдек йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрган ҳолда кўриб чиқилади. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мажлисларида ишчи комиссиялар раҳбарларининг ҳисоботлари мажбурий тартибда эшитиб борилади.

18. Касаначиликни ривожлантириш ҳудудий параметрларининг бажарилиши ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар комплекси, касаначиликни ривожлантириш тармоқ параметрларининг бажарилиши — Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси томонидан кўриб чиқилади.

*Касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий ва тармоқ дастурларини шакллантириш, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ҳамда касаначилик иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*

## КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУДУДИЙ ВА ТАРМОҚ ПАРАМЕТРЛАРИ МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШДА ҲАМДА КАСАНАЧИЛИК ИШ ЎРИНЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШДА ДАВЛАТ ВА ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВИ, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ, ИШЧИ КОМИССИЯЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ МЕХАНИЗМИ

| *Т/р* | *Ахборот берувчи орган (субъект)* | *Ахборот олиш манбаи* | *Ахборот мазмуни* | *Тақдим этиш муддатлари* | *Ахборот қаерга тақдим этилади* |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Корхона | Корхонанинг кадрлар ҳисоби ва бухгалтерия ҳисоби | Яратилган ва тугаган иш ўринлари сони (1-Т шакл) | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 3-кунигача | Туман (шаҳар) статистика бўлими |
| | | | Корхона бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар | Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ишчи комиссиялар (кейинги ўринларда — ишчи комиссиялар) сўровига кўра | Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази |
| | | | | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 3-кунигача* | Вилоят (ҳудудий, минтақавий) даражадаги юқори ташкилот (агар вилоят (ҳудудий, минтақавий) бўғини мавжуд бўлмаса — хўжалик бошқаруви органи марказий аппарати) |
| 2. | Туман (шаҳар) статистика бўлими | Меҳнат бўйича давлат статистика ҳисоботи | Яратилган ва тугаган иш ўринлари сони (1-Т шакл) | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунигача | Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази |
| | | | | | Вилоят (ҳудудий) статистика бошқармаси |
| 3. | Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази | Корхоналар, туман (шаҳар) статистика бўлими, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган текширишлар натижалари | Касаначиликни ривожлантириш бўйича параметрларнинг бажарилиши тўғрисидаги йиғма таҳлилий маълумотлар | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 6-кунигача | Ишчи комиссия, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари |
| 4. | Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари | Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган текширишлар натижалари | Касаначиликни ривожлантириш бўйича параметрларнинг бажарилиши тўғрисидаги йиғма таҳлилий маълумотлар | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 7-кунигача | Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги |
| | | | | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 5. | Вилоят (ҳудудий) статистика бошқармаси | Туман (шаҳар) статистика бўлимлари | Яратилган ва тугаган иш ўринлари сони (1-Т шакл) | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 7-кунигача | Давлат статистика қўмитаси |
| 6. | Хўжалик бошқаруви органининг вилоят (ҳудудий, минтақавий) бўлинмаси | Бўйсунувчи корхоналар, бўйсунувчи корхоналарда ўтказилган ўрганишлар натижалари | Касаначиликни ривожлантириш бўйича параметрларнинг бажарилиши тўғрисидаги йиғма таҳлилий маълумотлар | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 7-кунигача | Юқори хўжалик бошқаруви органи марказий аппарати |
| 7. | Давлат статистика қўмитаси | Меҳнат бўйича давлат статистика ҳисоботи | Яратилган ва тугаган иш ўринлари сони | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 8-кунигача | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги |
| 8. | Юқори хўжалик бошқаруви органи марказий аппарати | Ҳудудий бўлинмалар ва бўйсунувчи корхоналар, бўйсунувчи корхоналарда ўтказилган ўрганишлар натижалари | Касаначиликни ривожлантириш бўйича параметрларнинг бажарилиши тўғрисидаги йиғма таҳлилий маълумотлар | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 8-кунигача | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги |

| Т/р | Ахборот берувчи орган (субъект) | Ахборот олиш манбаи | Ахборот мазмуни | Тақдим этиш муддатлари | Ахборот қаерга тақдим этилади |
|---|---|---|---|---|---|
| 9. | Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари, Давлат статистика қўмитаси, хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган текширишлар натижалари | Касаначиликни ривожлантириш бўйича параметрларнинг бажарилиши тўғрисидаги йиғма таҳлилий маълумотлар | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 9-кунигача | Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги |
| 10. | Иқтисодиёт вазирлиги | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, хўжалик бошқаруви органлари | Касаначиликни ривожлантириш бўйича параметрларнинг бажарилиши тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар | Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 9-кунигача | Вазирлар Маҳкамаси |

** **Изоҳ**. Корхона хўжалик бошқаруви органи таркибига кирган тақдирда.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорига*
*2-ИЛОВА*

## КОРХОНАЛАР ВА УЙДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН ВА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТАЁТГАН ФУҚАРОЛАР ЎРТАСИДАГИ КООПЕРАЦИЯНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИШЧИ КОМИССИЯ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари ва касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ–3706-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида» 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Корхоналар ва уйда маҳсулот ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда «ишчи комиссия» деб аталади) фаолиятини тартибга солади.

2. Ишчи комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Ишчи комиссиянинг таркибий сони камида 7 кишидан иборат бўлиши керак. Ишчи комиссиянинг шахсий таркиби туман (шаҳар) ҳокими томонидан тасдиқланади.

Ҳокимнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари ишчи комиссиянинг раиси, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказининг директори эса раиснинг ўринбосари ҳисобланади.

Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази ишчи комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Ишчи комиссия таркибига:

меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари;

иқтисодиёт бўлими;

солиқ органлари;

статистика органлари;

«Маҳалла» жамғармаси вакиллари;

корхоналар раҳбарлари киритилади.

### II. ИШЧИ КОМИССИЯНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

4. Қуйидагилар ишчи комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

янги касаначилик иш ўринларини, шу жумладан касаначиликдан фойдаланиш турларини кенгайтириш ҳисобига ташкил этиш учун мавжуд захираларни аниқлашда ва ишга солишда корхоналарга кўмаклашиш;

саноат корхоналари ва касаначилик ўртасида кооперацияни ривожлантириш, корхоналар буюртмалари бўйича уйида ишлайдиган фуқароларга асбоб-ускуналар, хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлашнинг барқарор шароитларини, шунингдек ишлаб чиқарилган маҳсулотни топшириш ва иш ҳақи тўлаш кафолатларини яратиш бўйича масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш;

туманлар (шаҳарлар) ҳудудларида жойлашган корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари бажарилиши мониторингини амалга ошириш;

касаначиларга уларнинг ҳуқуқлари, кўрсатиб ўтилган ҳуқуқлар иш берувчи корхоналар томонидан бузилган тақдирда, ҳимоя қилинишини таъминлашда кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан узвий ўзаро ҳамкорликда касаначилик билан шуғулланишни хоҳловчи банд бўлмаган аҳоли сонини ва малакасини аниқлаш, шунингдек аҳолининг кўрсатиб ўтилган тоифаларини кейинчалик ишга жойлаштиришда кўмаклашиш.

5. Ишчи комиссия ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри), туман (шаҳар) даражасида аҳоли бандлигининг ҳудудий ва тармоқ дастурларига киритиш учун корхоналар бўйича янги касаначилик иш ўринлари параметрлари ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини ташкил этади;

корхоналар билан узвий ўзаро ҳамкорликда, банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш захираларини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини ўрганиш ишларини ташкил этади;

туман (шаҳар) корхоналарида касаначилик иш ўринларини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича масалаларни кўриб чиқади ва тавсиялар киритади;

корхоналарнинг раҳбарлари ва мулкдорларига касаначиликдан фойдаланишнинг афзалликлари тўғрисида тушунтириш ишларини амалга оширади;

касаначилик билан шуғулланишни хоҳловчи, ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган фуқароларни аниқлаш ишларини ташкил этади;

касаначилар меҳнатидан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган шикоятлар ва низоли масалаларнинг кўриб чиқилишини ташкил этади.

### III. ИШЧИ КОМИССИЯНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6. Ишчи комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

касаначиликни ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари бўйича маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви ҳудудий органларидан ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва корхоналардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

тегишли корхоналар раҳбарларини таклиф этган ҳолда туман (шаҳар) корхоналари бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрларининг бажарилишини кўриб чиқиш;

корхоналар ҳамда уйида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи фуқаролар ўртасида кооперацияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган таклифларни туман (шаҳар) ҳокимлигига киритиш.

### IV. ИШЧИ КОМИССИЯНИНГ ИШ ТАРТИБИ

7. Ишчи комиссия мажлислар ўтказишнинг ҳар чораклик жадвали асосида фаолият кўрсатади. Кейинги чорак учун мажлислар жадвали жорий чоракдаги охирги мажлисда шакллантирилади ва ишчи комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

Ишчи комиссия мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади.

8. Ишчи комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун масалаларни ва ҳужжатларни тайёрлаш туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказлари, солиқ органлари, шунингдек корхоналар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

9. Ишчи комиссия қарори унинг учун ишчи комиссия аъзоларининг камида ярми овоз берган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

10. Ишчи комиссия қарори протокол билан расмийлаштирилади.

11. Ишчи комиссия ҳужжатларини юритиш ишчи комиссия раисининг ўринбосари томонидан амалга оширилади.

12. Ишчи комиссия ҳар ойда ўз фаолияти тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимига, шунингдек ҳар чоракда туман (шаҳар) бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрларининг бажарилиши тўғрисида — вилоят ҳокимлигига (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Тошкент шаҳар ҳокимлигига) ҳисобот беради.

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорига*
*3-ИЛОВА*

## КОРХОНАЛАРНИНГ БУЮРТМАЛАРИ БЎЙИЧА МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ УЧУН КАСАНАЧИЛАРГА АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА АНЖОМЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармонини амалга ошириш ҳақида» 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарори билан тасдиқланган Касаначилик тўғрисидаги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда касаначиларга корхоналарнинг буюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш тартибини белгилайди.

2. Меҳнат шартномасига мувофиқ иш берувчининг буюртмасини бажариш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ва анжомлар (кейинги ўринларда мол-мулк деб аталади) касаначига бепул фойдаланиш учун ёки ижарага, шу жумладан молиявий лизингга берилиши мумкин.

3. Касаначилик шароитларида бепул фойдаланишга, ижарага, молиявий лизингга ва фойдаланишга ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича куч, энергияни кўп талаб қиладиган ва техник жиҳатдан мураккаб бўлган асбоб-ускуналар, шунингдек махсус техника хавфсизлигига риоя этишни талаб қиладиган, касаначилик шароитларида назорат қилиниши мумкин бўлмаган хавфли кимёвий компонентлар берилиши мумкин эмас.

4. Мол-мулк касаначига ёзма равишда тузилган тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома асосида, юк ҳужжати (кейинги ўринларда юк ҳужжати деб аталади) бўйича берилади.

Мол-мулкни бепул фойдаланишга беришда ходим билан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича тўлиқ шахсий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.

Мол-мулкни ижарага, шу жумладан молиявий ижарага беришда ходим билан ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича мулк ижараси шартномаси (ижара шартномаси) тузилади.

5. Меҳнат шартномасида белгиланган топшириқни бажариш учун корхонадан ижарага ёки бепул фойдаланишга олинган мол-мулкни қўллаган ҳолда касаначи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (товарлар, кўрсатилган хизматлар) корхонанинг мулки ҳисобланади.

6. Иш берувчининг буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун касаначига берилган мол-мулк бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга олиниши керак.

7. Мол-мулкни касаначига беришда корхона белгиланган тартибда мол-мулкдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидалари бўйича тушунтиришлар ўтказади. Тушунтиришлар бевосита корхонада ўтказилиши мумкин.

### II. МОЛ-МУЛКНИ КАСАНАЧИГА БЕПУЛ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН БЕРИШ

8. Мол-мулк касаначига бепул фойдаланиш учун меҳнат шартномасида белгиланган ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) муддатига берилади.

9. Касаначига бепул фойдаланиш учун меҳнат шартномасига мувофиқ топшириқни бажариш учун зарур бўлган мол-мулк берилади. Юк ҳужжати касаначи томонидан мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилайдиган ҳужжат ҳисобланади.

Мол-мулк унинг ишларни бажариш учун зарур бўлган барча анжомлари билан бирга берилади. Мол-мулк ҳужжатлари (техник паспорт, сифат сертификати ва бошқалар) иш берувчида қолади.

Корхона касаначига мол-мулкни меҳнат шартномаси шартларига, ишлаб чиқариш топшириғига ва мол-мулкдан фойдаланиш мақсадига мувофиқ бўлган ҳолатда бериши шарт.

10. Касаначига бепул фойдаланиш учун бериладиган катта ҳажмли мол-мулк корхона томонидан касаначи ишларни бевосита амалга ошириладиган жойигача етказиб бе-

рилади. Касаначига бепул фойдаланиш учун бериладиган кичик ҳажмли анжомлар касаначи томонидан касаначилик амалга ошириладиган жойгача етказиб берилиши мумкин.

Мол-мулкни ундан фойдаланиб бўлингандан кейин олиб кетиш корхона ҳисобидан амалга оширилади.

11. Корхона асбоб-ускуналарни касаначи томонидан ишлар бевосита бажариладиган жойда ўрнатишни, ишга туширишни ва синашни амалга оширади, сўнгра ушбу асбоб-ускуналар касаначига юк ҳужжати бўйича берилади.

12. Корхона асбоб-ускуналарни жорий профилактика қилишни, созлашни, тартибга солишни, у касаначининг айбисиз ишдан чиққан тақдирда эса — уни таъмирлашни ёки алмаштиришни амалга оширади.

Касаначи зарур малакага эга бўлган тақдирда унинг асбоб-ускунани мустақил равишда созлашига, тартибга солишига рухсат этилади.

13. Асбоб-ускунанинг касаначининг айбисиз ишдан чиқиши (синиши) сабабли ишдан тўхтаб қолган тақдирда унга ўртача иш ҳақи миқдорида пул тўланади.

Асбоб-ускуна касаначининг айби ишдан чиққан (синганлиги) сабабли касаначининг иши тўхтаб қолганда унга ҳақ тўланмайди.

14. Меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки асбоб-ускунани алмаштиришни талаб қиладиган топшириқ ўзгарган тақдирда касаначига бепул фойдаланиш учун берилган мол-мулк юк ҳужжати бўйича корхонага қайтарилади.

## III. МОЛ-МУЛКНИ КАСАНАЧИГА ИЖАРАГА БЕРИШ

15. Корхона томонидан мол-мулкни касаначига ижарага бериш вақтинчалик фойдаланиш учун тўлов асосида, меҳнат шартномасида белгиланган муддатга амалга оширилади.

Касаначига ижарага берилган мол-мулкнинг меҳнат шартномасига мувофиқ сотиб олинишига йўл қўйилмайди.

Касаначига меҳнат шартномасига мувофиқ ижарага берилган мол-мулк қайта ижарага (субижарага) берилиши мумкин эмас.

16. Касаначи корхона томонидан ўзига берилган мол-мулкдан меҳнат шартномасида белгиланган ишлаб чиқариш топшириғига қатъий мувофиқ равишда фойдаланиши шарт.

17. Касаначи меҳнат шартномасида белгиланган топшириқ бажарилгандан кейин ўзига ижарага берилган мол-мулкни қўллаган ҳолда шартномавий нархлар бўйича сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқариши мумкин. Касаначига корхона томонидан меҳнат шартномасига мувофиқ топшириқни бажариш учун берилган хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлардан касаначи томонидан шартномавий нархлар бўйича сотиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин эмас.

18. Меҳнат шартномасига мувофиқ касаначига берилган мол-мулкни касаначининг бевосита иш жойигача етказиб бериш ва фойдаланиб бўлингандан кейин олиб кетиш, ўрнатиш ва ишга қўшиш, жорий профилактика қилиш, созлаш ва таъмирлаш (шу жумладан мукаммал таъмирлаш), агар мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, корхона томонидан амалга оширилади.

19. Меҳнат шартномасининг амал қилиши тугагандан кейин ёки ижарага берилган мол-мулк таркибини ўзгартиришни талаб қиладиган буюртма ўзгарган тақдирда ушбу мол-мулк корхонага қайтарилади.

Бу ҳолда мулк ижараси шартномасининг амал қилиши ё тўхтатилади ёхуд унга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

20. Мол-мулкни касаначига лизинг шартлари бўйича бериш тартиби Фуқаролик кодексига ва «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

## IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

21. Касаначилар ва корхона ўртасида келиб чиқадиган низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

*Корхоналарнинг буюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга*
*1-ИЛОВА*

## КАСАНАЧИЛИК ШАРОИТЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИГАН АСБОБ-УСКУНАЛАР, ХОМ АШЁ, МАТЕРИАЛЛАР ВА МАҲСУЛОТЛАР РЎЙХАТИ

1. Қуйидагилар:

ГОСТ 12.01.007-76 бўйича хавфлиликнинг I — III классларига мансуб бўлган зарарли кимёвий моддалар ажралиб чиқишининг;

ионлаштирувчи нурланишларнинг;

радиоактив нурланишнинг;

лазерли нурланишнинг (оптик ва квантли генераторлар), санитария нормаларидан ортиқ диапозонли электромагнит энергияларнинг;

санитария нормаларидан ортиқ тебраниш ва шовқиннинг;

атроф муҳитнинг санитария нормаларидан ортиқ юқори ёки паст ҳароратининг;

санитария нормаларидан ортиқ ультрабинафша нурланишнинг;

ультратовушнинг манбаи ҳисобланадиган асбоб-ускуналар, ва анжомлар.

2. Портлаш хавфига эга бўлган асбоб-ускуналар ва анжомлар:

Цельсий бўйича 115 даражадан юқори ҳароратда босим таъсирида ёки 0,07 МП босимда қайнаш ҳароратидан ортиқ ҳароратли суюқлик идишлари;

0,07 МПдан ортиқ босим таъсирида сиқилган, суюлтирилган ёки эритилган газларни ташиш ва сақлаш учун мўлжалланган баллонлар;

буғларининг босими Цельсий бўйича 50 даража ҳароратда 0,07 МП босимдан ошадиган суюлтирилган газларни ташиш учун цистерналар, бочкалар;

улардаги 0,07 МПдан юқори босим уларнинг тарқалиши учун вақти-вақти билан шароит яратадиган сиқилган, суюлтирилган газларни, суюқликларни ва сочилувчан жисмларни ташиш ва сақлаш учун цистерналар, идишлар ва бошқа сиғимлар;

0,07 МПдан юқори ишчи босимга эга бўлган буғқозонлар, автоном буғли иситгичлар ва экономайзерлар, Цельсий бўйича 115 даражадан ортиқ сув ҳароратига эга бўлган сув иситиш қозонлари ва автоном экономайзерлар.

3. Саноат кўламида дон янчиш ва омихта озуқалар тайёрлаш бўйича асбоб-ускуналар ва анжомлар.

4. Энергияни кўп талаб қиладиган асбоб-ускуналар:

380 вольтдан ортиқ ишчи кучланишга эга бўлган асбоб-ускуналар (220 вольтдан ортиқ кучланишда ишлайдиган асбоб-ускуналар электр хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилган ҳолда ўрнатилиши керак);

ҳар соатда 1 куб метрдан ортиқ сув истеъмол қиладиган асбоб-ускуналар.

5. Қуйидагилар:

ГОСТ 12.01.007-76 бўйича хавфлиликнинг I — III классларига мансуб бўлган кимёвий моддаларнинг токсик хоссаларига эга бўлган;

табиий радионуклидлар концентрациясининг чекланган йўл қўйиладиган нормаларидан ортиқча бўлган;

«Осон алангаланадиган суюқ моддалар» тоифасига мансуб бўлган хом ашё, материаллар ва маҳсулотлар;

суюқ хлор, аммиак, селитра, карбомид, аммофос, метонал, синил кислотаси, цианидлар, нитроакрил кислотаси.

6. Барча тур ва номлардаги пестицидлар, гербицидлар ва прекурсорлар.

7. Чарм ва мўйна хом ашёси (тўлиқ ишлов берилган ва тикишга тайёр бўлганлардан ташқари).

8. Асбест ва таркибида асбест бўлган материаллар.

9. Уларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолият белгиланган тартибда лицензияланадиган бошқа моддалар, материаллар, хом ашё ва улардан тайёрланган буюмлар.

*Корхоналарнинг буюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*

## КОРХОНА ТОМОНИДАН КАСАНАЧИГА БЕПУЛ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН БЕРИЛГАН АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА АНЖОМЛАР ЮЗАСИДАН ТЎЛИҚ ШАХСИЙ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

____________ шаҳри 20__ йил «__» ________

Кейинги ўринларда «корхона» деб аталадиган ______________________________
(корхонанинг номи)

____________ номидан Устав (Низом) асосида иш кўрадиган ______________________________
______________________________ бир томондан ва касаначи
(жавобгар шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

______________________________
(касаначининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан, 20__ йил «___» ________даги ___-сон меҳнат шартномасига мувофиқ корхона буюртманомаси бўйича ишларнинг касаначи томонидан бажарилишини таъминлаш мақсадида, касаначига корхона томонидан бепул фойдаланиш учун берилган асбоб-ускуналар ва анжомлар (кейинги ўринларда «мол-мулк» деб аталади) юзасидан тўлиқ шахсий жавобгарлик ҳақидаги ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида тузишди:

1. Корхона ______________________________ ни
(ишлаб чиқариладиган маҳсулот, кўрсатиладиган хизматлар тури)

ишлаб чиқариш бўйича корхона буюртмасига доир ишларни бажариш учун касаначига тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик остида қуйидаги мол-мулкни бепул фойдаланишга беради:

| Т/р | Номи | Миқдори, та | Инвентарь № | Берилган кундаги баланс қиймати | Мол-мулк берилаётган муддат | Изоҳлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | | | |
| 2. | | | | | | |
| 3. | | | | | | |

2. Касаначи ўзига берилган мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш юзасидан тўлиқ шахсий жавобгарликни зиммасига қабул қилади ва қуйидаги мажбуриятларни олади:

олинган мол-мулкни тўлиқ сақлаш, уни ишга тайёр ҳолатда сақлаш, мол-мулкнинг бузилиши ва ўғирланишининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш;

корхонани мол-мулкнинг сақланишига риоя қилинмаслиги ҳолларидан, хоналарнинг қониқарсиз ҳолати, иқлим шароитлари, табиий офатлар ва бошқа ҳодисалар оқибатида яроқсизланиши тўғрисида ўз вақтида огоҳлантириш;

корхонанинг биринчи талаби бўйича ўзига берилган мол-мулкнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиш, корхона вакилларини ушбу мол-мулк ўрнатилган хонага, шу жумладан уй-жой биноларига киритиш;

ўзига берилган мол-мулкдан фойдаланишнинг техник шартларига ва меҳнат шартномасига, шунингдек корхона буюртмасига қатъий мувофиқ ҳолда фойдаланиш.

3. Корхона, мол-мулкни касаначининг тўлиқ шахсий моддий жавобгарлиги остида берган ҳолда, зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

касаначига берилган мол-мулк тўғрисидаги барча зарур маълумотларни (фойдаланиш, ташиш, сақлаш ва шу кабилар бўйича йўриқномани) тақдим этиш;

техника хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқлар бериш;

касаначини мол-мулкни тўлиқ шахсий моддий жавобгарлик остида бериш вақтида корхона ва касаначи ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи зарур норматив ҳужжатлар, мол-мулк касаначи айби билан бузилган, яроқсизланган ёки ўғирланган тақдирда зарарни қоплаш шартлари ва тартиби билан таништириш.

4. Берилган мол-мулк касаначининг айби билан бузилганлиги, яроқсизланганлиги, ўғирланганлиги сабабли корхонага моддий зарар етказилган тақдирда ёки мол-мулкдан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда етказилган зарарни қоплаш харажатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда касаначи ҳисобидан амалга оширилади.

5. Моддий зарар етказишда касаначининг айби бўлмаганда (зарар табиий офат, ёнғин ва шу кабилар туфайли етказилганда) касаначи моддий жавобгар бўлмайди.

6. Ҳар йили касаначи иштирокида унинг тўлиқ шахсий моддий жавобгарлиги остида берилган мол-мулк хатловдан ўтказилади ва қайта баҳоланади.

7. Корхона ва касаначи ўртасидаги ушбу шартнома билан тартибга солинмаган моддий жавобгарлик бўйича ўзаро муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

8. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати мол-мулкдан бепул фойдаланишнинг меҳнат шартномасида белгиланган бутун даврига татбиқ этилади.

Бошланиши: 200__ йил «___» ________

Тугалланиши: 200__ йил «___» ________

Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан тузилди.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Корхона: ________________________________________

Касаначи: ________________________________________

(уй манзили)

Паспорти: серияси _________ номери _________, ________________________________________ томонидан берилган.

Томонларнинг имзолари:

**Корхона** **Касаначи**

*Корхоналарнинг буюртмалари бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун касаначиларга асбоб-ускуналар ва анжомлар бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМГА*

*3-ИЛОВА*

## КОРХОНА БУЮРТМАСИГА МУВОФИҚ ИШЛАРНИ БАЖАРИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА АНЖОМЛАРНИ КАСАНАЧИЛАР ТОМОНИДАН МУЛК ИЖАРАСИГА (ИЖАРАГА) ОЛИШ ЮЗАСИДАН НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

_____________ шаҳри 20__ йил «___» _________

Кейинги ўринларда «корхона» деб аталадиган ________________________________________

(корхонанинг номи)

_____________ номидан Устав (Низом) асосида иш кўрадиган ________________________________________ бир томондан ва касаначи

(жавобгар шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

________________________________________

(касаначининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида тузишди:

1. Корхона корхонага тегишли қуйидаги асбоб-ускуналар ва анжомларни (кейинги ўринларда «мол-мулк» деб аталади) фойдаланиш учун беради, касаначи қабул қилиб олади:

| Т/р | Номи | Миқдори, та | Инвентарь № | Берилган кундаги баланс қиймати | Мол-мулк берилаётган муддат | Изоҳлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | | | |
| 2. | | | | | | |
| 3. | | | | | | |

Жами ижарага кўрсатиб ўтилган мол-мулк умумий суммаси ________________________________________ (сўм)

сўм миқдорида берилади.

2. Кўрсатиб ўтилган мол-мулк касаначи томонидан 20__ йил «___» _______даги ___-сон меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни бажариш юзасидан корхона буюртмаси бўйича қуйидаги ________________________________________ маҳсулотлар (товарлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш учун фойдаланилади.

Корхонанинг меҳнат шартномаси ва ишлаб чиқариш топшириғида белгиланган буюртмаси тўлиқ бажарилганда касаначи ўзига берилган мол-мулкдан шартнома нархларида сотиш учун бошқа маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда корхона кўрсатиб ўтилган маҳсулотни сотиб олишда устунлик ҳуқуқини олади.

3. Мол-мулк ушбу шартнома имзоланган вақтдан бошлаб ижарага берилган ҳисобланади.

4. Касаначи илова қилинаётган ҳисоб-китоблар бўйича йилига умумий суммаси ________________________________________ (сўз билан)

сўм миқдоридаги ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Ижара ҳақи корхонанинг ҳисоб рақамига ҳар чоракда тенг улушларда (чоракдан кейинги ойнинг ___ кунидан кечикмай) ўтказилади.

Тўловнинг бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилганлиги учун касаначи навбатдаги тўлов суммасининг ___ фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5. Ижара ҳақи миқдори томонларнинг келишувига кўра ___ йилда бир марта ўзгартирилиши мумкин. Марказлаштирилган тартибда белгиланадиган нархлар ва тарифлар ўзгарган тақдирда ижара ҳақи миқдорлари томонлардан бирининг талабига кўра муддатидан олдин қайта кўриб чиқилиши мумкин.

6. Корхона мол-мулкни ундан зарур даражада фойдаланиш имконини берадиган ҳолатда топширади.

7. Касаначи:

а) корхонанинг маҳсулотлар (товарлар, ишлар)ни ишлаб чиқариш юзасидан буюртмасини меҳнат шартномасида ёки ишлаб чиқариш топшириғида белгиланган ҳаждан кам бўлмаган ҳажмда тўлиқ ишлаб чиқариш;

б) ижарага олинган мол-мулкдан корхона буюртмасига кўра ишларни бажариш учун мўлжалланган мақсадлар учун фойдаланиш;

в) мол-мулкни тўлиқ ишга тайёр ҳолатда сақлаш мажбуриятини олади.

8. Касаначи ижарага олинган мол-мулкнинг бузилганлиги учун жавоб беради.

9. Мулк ижараси шартномаси тўхтатилганда касаначи мол-мулкни корхонага қайси ҳолатда олган бўлса, нормал эскиришини ҳисобга олган ҳолда, ўша ҳолатда қайтариши шарт.

Агар касаначи ижарага олинган мол-мулкни қайтармаган бўлса ёхуд ўз вақтида қайтармаса корхона муддати ўтказиб юборилган вақт учун мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Кўрсатиб ўтилган тўлов корхонага етказилган зарарни қопламаган тақдирда корхона зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

10. Шартнома шартлари томонларнинг келишувига

кўра ўзгартирилиши, бекор қилиниши ва тўхтатилиши мумкин.

Бошқа томон шартнома шартларини бузган тақдирда томонлардан бирининг талабига биноан шартнома суд қарорига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

11. Ижарага олинган мол-мулк яна ижарага (субижарага) берилиши мумкин эмас.

12. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги, шартноманинг бир томонлама ўзгартирилганлиги ёки бекор қилинганлиги учун томонлар етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплайдилар (ушбу шартномада назарда тутилган жарима санкцияларидан ташқари).

13. Томонларнинг ушбу шартнома билан тартибга солинмаган ўзаро муносабатлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

14. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган низолар суд тартибида кўриб чиқилади.

15. Ижара муддати ___ йил этиб белгиланади.

16. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан тузилди.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Корхона: ____________________________________________

Касаначи: ____________________________________________

(уй манзили)

Паспорти: серияси __________, номери __________, ______________________ томонидан берилган.

Томонларнинг имзолари:

**Корхона** **Касаначи**

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорига*
**4-ИЛОВА**

## КАСАНАЧИНИНГ УЙИДА ЁКИ ЎЗИГА ТЕГИШЛИ БОШҚА ЖОЙЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТОПШИРИҒИНИ БАЖАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳақида» 2006 йил 5 январдаги ПФ–3706-сон Фармонини амалга ошириш тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва касаначининг уйида ёки унга тегишли бўлган бошқа биноларда ишлаб чиқариш топшириғини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплаш шартлари ҳамда тартибини белгилайди.

2. Касаначининг ўз меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ амалга оширилади.

3. Касаначининг:

меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учун меҳнат шартномасига мувофиқ касаначига тегишли бўлган мол-мулкининг эскиришига;

ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун сарфланган электр энергиясига;

агар меҳнат мажбуриятларини бажариш жараёнида анча миқдорда совуқ ва/ёки иссиқ сувдан фойдаланиш талаб қилинса, совуқ ва/ёки иссиқ сувга;

ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун фойдаланилган табиий газга;

агар касаначининг функционал вазифалари меҳнат қуроли сифатида алоқа воситаларидан фойдаланишни назарда тутса — телефон ва почта алоқасига;

касаначи томонидан хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни ва тайёр маҳсулотларни ташиш билан боғлиқ транспорт харажатларига қилган харажатлари қопланиши керак.

4. Касаначининг харажатларини қоплаш миқдори ҳамда уни аниқлаш тартиби корхона ва касаначи ўртасида тузилган шартномада кўрсатилади.

Касаначининг ушбу Низомда назарда тутилган харажатларининг ҳар бир қопланиши корхонанинг раҳбари (бош бухгалтери) ва касаначи томонидан имзоланган тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

5. Корхонанинг касаначи харажатларини қоплашга харажатлари «Давр харажатлари»га киритилади ва корхона маҳсулоти таннархига қўшилади.

6. Касаначиларнинг меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатларини қоплашнинг бухгалтерия ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

7. Касаначининг ўз меҳнат мажбуриятларини ва иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириқларини бажариши билан боғлиқ харажатларининг ўз вақтида ва тўғри қопланиши учун жавобгарлик корхонанинг раҳбари ва бош бухгалтерига юкланади.

### II. КАСАНАЧИНИНГ МЕҲНАТ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МОЛ-МУЛКИ ЭСКИРИШИНИ ҚОПЛАШ

8. Касаначи томонидан иш берувчининг ишлаб чиқариш топшириғини бажариш жараёнида доимий ва бевосита анжомлари, асбоб-ускуналари, транспорти ва бошқа мол-мулкининг эскириши қопланиши керак.

Касаначининг ишлари амалга ошириладиган бинолар ва хоналар, шунингдек мебеллар ва кам қийматли мол-мулкларнинг эскириши қопланмайди.

9. Мол-мулкнинг эскиришини қоплаш миқдори унинг меҳнат шартномасини тузиш вақтидаги баҳолаш қийматидан ва мол-мулкнинг ушбу тури учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган йиллик эскириш ажратмалари миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Илгари истеъмолда бўлган мол-мулкнинг баҳолаш қиймати меҳнат шартномаси тузиш вақтида унинг эскирганлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Баҳолаш қийматини аниқлашни соддалаштириш мақсадида ана шундай асбоб-ускуналарнинг жорий бозор қийматидан ва мол-мулкнинг сотиб олинган (ёки ишлаб чиқарилган санаси) вақтидан бошлаб меҳнат шартномаси тузилган вақтгача бўлган даврда ундан фойдаланиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда эскириши ажратмаларнинг

белгиланган нормалари қўлланилишига йўл қўйилади.

10. Мол-мулкнинг эскиришини қоплаш меҳнат шартномасига мувофиқ камида ҳар 3 ойда амалга оширилади.

### III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ, СОВУҚ ВА/ЁКИ ИССИҚ СУВ, ТАБИИЙ ГАЗ ВА АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШ

11. Электр энергияси харажатларини қоплаш миқдори меҳнат фаолияти жараёнида касаначи томонидан фойдаланиладиган асбоб-ускунанинг энергия сарф қилиши (қувввати)дан, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш учун) ушбу асбоб-ускунадан фойдаланишнинг норматив вақтидан, шунингдек касаначининг меҳнат фаолияти амалга ошириладиган жойда аҳоли учун электр энергиясига белгиланган тарифлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун энергиясига харажатларини қоплаш миқдори қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\mathbf{В_{(сўм)} = S\,(М_{i(кВт/с)} * ВР_{i\,(норма)}) * Тариф_{(сўм)}},\ \text{бунда:}$$

$В_{(сўм)}$ — ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги (кўрсатилган хизматлар) учун қоплаш миқдори;

S — электр энергиясига харажатларни қоплаш миқдорини аниқлашда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) учун зарур бўлган, электр истеъмол қиладиган асбоб-ускунанинг қуввати ва ундан фойдаланиш норматив вақтининг алоҳида-алоҳида ҳисобга олинишини кўрсатувчи сумма белгиси;

$М_{i(кВт/с)}$ — маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган электр энергияси истеъмол қилувчи асбоб-ускунанинг қуввати;

$ВР_{i(норма)}$ — электр энергияси истеъмол қилувчи асбоб-ускунадан фойдаланишнинг норматив вақти;

$Тариф_{(сўм)}$ — электр энергияси учун тўловнинг аҳоли учун белгиланган тарифи.

12. Касаначининг иш жойини ёритиш учун фойдаланиладиган электр энергияси тўлови учун харажатлари ҳам қопланиши керак.

13. Бир ойдаги электр энергияси учун харажатларни қоплаш миқдори иш берувчи томонидан касаначидан қабул қилиб олинган барча буюмларни ишлаб чиқариш учун электр энергияси харажатларини ва бир ой учун ҳисобланган иш жойини ёритиш учун электр энергияси харажатлари қийматини жамлаш йўли билан аниқланади.

14. Ишлаб чиқариш топшириғини бажариш жараёнида касаначи томонидан фойдаланиладиган сув учун харажатлар технологик операцияларни (буюмларни ювиш, тозалаш ва шу кабиларни) амалга ошириш учун сув сарфининг техник нормативларидан ҳамда мазкур жойдаги аҳоли учун белгиланган совуқ ва/ёки иссиқ сувдан фойдаланиш тарифидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

15. Газ учун харажатлар касаначи томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлиги ҳисобида, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун газ сарфининг техник нормаларидан ва аҳолига газ етказиб бериш тарифидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

16. Хонани иситиш учун фойдаланиладиган иссиқлик энергияси харажатлари қопланмайди.

17. Алоқа воситалари харажатларини қоплаш касаначининг функционал вазифалари ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси сифатида уй телефонидан ва телефон алоқасининг рақамли каналларидан ва/ёки мунтазам равишдаги почта ва телеграф жўнатмаларидан фойдаланиш билан бевосита ва доимий боғлиқ бўлган тақдирда амалга оширилади.

18. Касаначининг алоқа воситалари харажатларини қоплаш миқдори ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун зарур бўлган телефон орқали боғланишларининг норматив ҳажми (вақти)дан ва телефон алоқаси тарифларидан, шунингдек алоқа хизматлари тўлови тўғрисидаги квитанциялар билан тасдиқланган почта ва телеграф жўнатмаларининг ҳақиқий қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Телефон орқали боғланишнинг норматив ҳажмини (вақтини) белгилаш иш берувчи томонидан амалга оширилади.

19. Касаначининг Интернет тармоғига уланиш ва ундан фойдаланиш харажатлари қопланмайди.

Касаначининг функционал вазифалари Интернет тармоғидан доимий фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тақдирда касаначининг Интернет тармоғига уланиши ва Интернет тармоғидан фойдаланиш норматив вақтини белгилаш иш берувчи томонидан амалга оширилади.

20. Ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун фойдаланилган электр энергияси, сув ва газ харажатларини, шунингдек алоқа воситаларига харажатларни қоплаш, қоидага кўра, ҳар ойда касаначидан маҳсулотларни (хизматларни) қабул қилиб олиш вақтида амалга оширилади. Бунда касаначининг газ учун харажатларини қоплаш касаначида газ ҳисоблагич мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

### IV. КАСАНАЧИНИНГ ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚОПЛАШ

21. Касаначининг хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва кичик анжомларни ташишга, шунингдек тайёр маҳсулотларни ёлланган транспорт билан ташишга қилган ҳақиқий харажатлари қопланади.

Қоплаш миқдори корхона ва касаначи ўртасида тузилган битим бўйича, мазкур жойдаги транспорт хизматларининг бозор қийматини, касаначининг иш жойи билан корхона ўртасидаги масофани, ташиш учун ёлланган транспорт воситаси турини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Касаначининг фақат юкларни ташишга қилган харажатлари қопланади. Транспорт воситасининг юксиз юриш қиймати қопланмайди.

22. Ташиш темир йўл транспортида (яқин масофага қатнайдиган электр поездида) амалга оширилган тақдирда транспорт харажатлари тақдим этилган йўл ҳужжати қиймати бўйича қопланади.

23. Касаначининг транспорт харажатларини қоплашда ушбу харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳаққоний аниқланган бўлиши керак.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ*

## СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ (СУҒУРТА БРОКЕРИНИНГ) РАҲБАРИГА ВА БОШ БУХГАЛТЕРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 1827-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 24-25-сон, 241-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорлари тўплами, 1992 йил, 11-сон, 37-модда) буюраман:

1. Илова қилинаётган Суғурталовчининг (суғурта броке-

***2008 йил 28 июндан кучга киради.**

рининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 25 мартдаги 52-сонли «Суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2004 йил 16 апрель, рўйхат рақами 1338 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 15-сон, 183-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

***Молия вазири***
**Р.АЗИМОВ.**

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 11 июнь*
*61-сон.*

*Молия вазирининг*
*2008 йил 11 июндаги 61-сон буйруғи билан*
ТАСДИҚЛАНГАН

# СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ (СУҒУРТА БРОКЕРИНИНГ) РАҲБАРИГА ВА БОШ БУХГАЛТЕРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ–872-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилайди.

Мазкур Низом суғурталовчиларнинг (суғурта брокерларининг) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори билан тайинланадиган раҳбарларига татбиқ этилмайди.

## I. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1. Мазкур Низом мақсадларида қўлланиладиган асосий тушунчалар:

**суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари** — қонунчилик ва суғурталовчининг (суғурта брокерининг) таъсис ҳужжатларига мувофиқ тайинланиши ёки сайланиши натижасида, тузилган меҳнат шартномасига асосан суғурталовчининг (суғурта брокерининг) ягона ижро этувчи органи бўлиб ҳисобланадиган ёки суғурталовчининг (суғурта брокерининг) коллегиал ижро этувчи органи устидан бошқарадиган жисмоний шахс;

**суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бош бухгалтери** — суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқаруви функцияларини амалга оширувчи, бухгалтерия ҳисобини ташкиллаштиришни ҳамда моддий ва молиявий ресурсларни оқилона, тежамкорлик билан ишлатилишини назорат қилишни таъминлайдиган жисмоний шахс.

2. Суғурталовчиларнинг (суғурта брокерларининг) раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар (бундан буён матнда номзодлар деб юритилади) мазкур Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда тайинланади (сайланади).

3. Суғурталовчи (суғурта брокери) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади) номзодларнинг мазкур Низомда белгиланган малака талабларига мос келишини тасдиқловчи ҳужжатларни улар суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига тайинланишидан (сайланишидан) аввал тақдим этишга мажбур.

## II. МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

4. Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари қуйидаги малака талабларига мос келиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган, ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий маълумотга эга бўлиши;

б) суғурта соҳасида 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши (суғурта агенти сифатидаги, шунингдек, ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларидаги иш стажи ҳисобга олинмайди).

5. Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) бош бухгалтери қуйидаги малака талабларига мос келиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга ёки хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган, ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги олий маълумотга эквивалент деб тан олинган олий (бухгалтерлик, молиявий, иқтисодий) маълумотга эга бўлиши;

б) бухгалтер сифатида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши, шундан суғурта соҳасида бухгалтер сифатида бир йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши.

6. Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари (бош бухгалтери) этиб, раҳбар (бош бухгалтер) томонидан амалга оширилган ҳаракатлар юридик шахсни банкротликка ёки уни мажбурий тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилишига олиб келганлиги бўйича маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, банкрот деб топилган ёки суд томонидан уни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтгача бир йил мобайнида юридик шахснинг раҳбари (бош бухгалтери) бўлиб ҳисобланган шахс тайинланиши (сайланиши) мумкин эмас.

## III. НОМЗОДЛАРНИНГ МАЛАКА ТАЛАБЛАРИГА МОС КЕЛИШИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

7. Суғурталовчи (суғурта брокери) Молия вазирлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ келтирилган шакл бўйича тўлдирилган анкета;

б) олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси ёки олий маълумот тўғрисидаги хорижий ҳужжатнинг эквивалентлигини тан олиш тўғрисида ваколатли давлат органи гувоҳномасининг нотариал тасдиқланган нусхаси (хорижий давлатларнинг таълим муассасаларида олинган олий маълумот мавжуд бўлган тақдирда);

в) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси. Ўриндошлик бўйича меҳнат стажи мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда меҳнат дафтарчасида қайд қилинган бўлиши лозим.

Кўрсатилган ҳужжатлар бир нусхада тақдим қилинади.

## IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8. Номзодлар мазкур Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда, Молия вазирлиги бу ҳақда суғурталовчига (суғурта брокерига) 3 кунлик муддатда ёзма равишда хабар беради.

9. Номзодлар мазкур Низомда белгиланган малака талабларига мос келмаган тақдирда, Молия вазирлиги бу ҳақда суғурталовчига (суғурта брокерига) мос келмаганлик сабабларини кўрсатган ҳолда 3 кунлик муддатда ёзма равишда хабар беради.

10. Суғурталовчи (суғурта брокери) мазкур Низом талабларини бузган тақдирда, суғурталовчига (суғурта брокерига) қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўрилади.

11. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

*Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) раҳбари ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомга*
*ИЛОВА*

___________________________________________

(суғурталовчининг (суғурта брокерининг) номи

___________________________________________

(лавозимнинг тўлиқ номи)

**лавозимига тавсия этилаётган номзод тўғрисида маълумотлар**
**АНКЕТАСИ**

**Биринчи қисм. Анкетани тўлдириш қоидалари**

Анкета номзоднинг ўз қўли билан, тушунарли дастхатда, сиёҳ ёки қора, кўк, бинафша рангли пастали шарикли ручкада тўлдирилиши лозим. Барча саналар араб рақамларида келтирилиши шарт.

Анкетанинг барча саволларига тўлиқ ва аниқ жавоблар берилиши, ҳамда анкетанинг бирор қисми тўлдирилмасдан қолмаслиги шарт. Ҳатто битта тўлдирилмай қолган қисмининг мавжудлиги, бутун анкетанинг тўлиқ тўлдирилмаганлигини англатади ва у суғурталовчига (суғурта брокерига) қайтарилади. Зарур бўлган тақдирда, тўлиқ маълумот келтириш учун анкетага қўшимча варақлар илова қилиниши мумкин.

**Иккинчи қисм. Анкета**

**1. Анкета тўлдирувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар**

| *Код* | *Саволлар* | *Жавоблар* |
|---|---|---|
| 1. | Фамилияси | |
| 2. | Исми | |
| 3. | Отасининг исми | |
| 4. | Аввалги фамилияси (агар фамилия ўзгарган бўлса) | |
| 5. | Туғилган йили | |
| 6. | Туғилган жойи | |
| 7. | Паспорт рақами ва серияси, қачон ва ким томонидан берилган | |
| 8. | Уй манзили (паспортда рўйхатга олингани бўйича) | |
| 9. | Уй манзили (яшаш жойи бўйича) | |
| 10. | Телефон рақамлари (уй, иш, уяли алоқа) | |

**2. Охирги 10 йил мобайнида иш билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотлар (маълумотлар ҳар бир ташкилот (корхона) бўйича алоҳида келтирилади)**

| *Код* | *Саволлар* | *Жавоблар* |
|---|---|---|
| 11. | Ташкилот (корхона) номи | |
| 12. | Ташкилотнинг (корхонанинг) анкета тўлдирувчига маълум бўлган охирги манзили | |
| 13. | Лавозим (лавозимлар) | |
| 14. | Иш даври | «___» ________ йилдан<br>«___» ________ йилгача |
| 15. | Иш билан таъминланганлик тавсифи *(керагини белгиланг)* | а) меҳнат шартномаси бўйича;<br>б) якка тартибдаги тадбиркор;<br>в) ишламаган. |
| «б» ва «в» бандлари бўйича батафсил маълумот келтиринг | | |

**3. Маълумоти тўғрисидаги маълумотлар**
**(фақат олий таълим муассасаларидаги таълим кўрсатилади, ҳар бир муассаса бўйича алоҳида)**

| Код | Саволлар | Жавоблар |
|---|---|---|
| 16. | Олий таълим муассасасининг номи | |
| 17. | Ушбу муассасанинг анкета тўлдирувчига маълум бўлган охирги манзили | |
| 18. | Таълим шакли *(керагини белгиланг)* | а) кундузги;<br>б) сиртқи;<br>в) кечки. |
| 19. | Кирган сана | |
| 20. | Ўқишни якунлаган сана | |
| 21. | Олган даражаси | |
| 22. | Олган мутахассислиги | |
| 23. | Таълим муассасасида ўқишни якунлаганлиги тўғрисидаги диплом ёки бошқа ҳужжат серияси ва рақами | Серияси ________<br>Рақами ________ |
| 24. | Агар анкета тўлдирувчи ушбу муассасада ўқишни якунламаган бўлса, сабабини кўрсатинг | |

**4. Қўшимча маълумотлар**

| Код | Саволлар | Жавоблар |
|---|---|---|
| 25. | Анкета тўлдирувчи у томонидан амалга оширилган ҳаракатлар юридик шахсни банкротликка ёки уни мажбурий тугатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилишига олиб келганлиги бўйича маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, банкрот деб топилган ёки суд томонидан уни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтгача бир йил мобайнида юридик шахснинг раҳбари (бош бухгалтери) бўлиб ҳисобланганми *(керагини белгиланг).* | а) йўқ;<br>б) ҳа. |
| «б» жавоби белгиланган тақдирда, ташкилот номи ва анкета тўлдирувчининг лавозимини кўрсатинг | | |

| |
|---|
| *Мен:*<br>*— ушбу анкетада келтирилган маълумотлар ҳақиқийлиги ва тўлиқлигини;*<br>*— ушбу анкетани тўлдириш қоидалари билан танишганлигимни тасдиқлайман.* |
| Анкета тўлдирувчининг тўлиқ<br>фамилияси, исми, отасининг исми |
| Анкета тўлдирувчининг имзоси |
| Имзо санаси |
| *Анкета тўлдирувчи менинг ҳузуримда анкетанинг ҳар бир варагини ўз қўли билан имзолаганлигини тасдиқлайман.* |
| Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) масъул ходимининг тўлиқ фамилияси, исми, отасининг исми |
| Суғурталовчининг (суғурта брокерининг) масъул ходимининг имзоси |
| Имзо санаси |
| М.Ў. |

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ДАВЛАТ АКЦИЯЛАР ПАКЕТИ (УЛУШЛАРИ)НИ ДАВЛАТ ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВГА БЕРИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВЛАР ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 июнда 1410-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 24-25-сон, 245-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ–335-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, хўжалик жамиятларининг ишончли бошқарувга берилаётган давлат активларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Давлат мулки қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қарори билан тасдиқланган Давлат акциялар пакети (улушлари)ни давлат ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларига (2004 йил 16 сентябрь, рўйхат рақами 1410 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 416-модда) киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

***Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси Д.МУСАЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 27 май*
*01/12-18/05-сон.*

***2008 йил 28 июндан кучга киради.**

*ПРИЛОЖЕНИЕ*
*к постановлению Госкомимущества*
*от 27 мая 2008 года № 01/12-18/05*

## ДОПОЛНЕНИЯ, ВНОСИМЫЕ В ПРАВИЛА ПРОВЕДЕНИЯ КОНКУРСОВ ПО ПЕРЕДАЧЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ПАКЕТОВ АКЦИЙ (ДОЛЕЙ) В ДОВЕРИТЕЛЬНОЕ УПРАВЛЕНИЕ

1. Пункт 11 дополнить пунктами $11^1$ и $11^2$ следующего содержания:

«$11^1$. Комиссия вправе:

принимать решение о проведении конкурса с условием передачи государственных пакетов акций (долей) в доверительное управление одной управляющей компании одновременно нескольких хозяйственных обществ, сформированных в группы (лоты);

утверждать перечень хозяйственных обществ, сформированных в группы (лоты), государственные пакеты акций (доли) которых одновременно передаются в доверительное управление.

При этом, для участия в конкурсе, документы, предусмотренные абзацами вторым и третьим пункта 1 настоящих Правил, представляются заявителем отдельно по каждому государственному пакету акций (доле), передаваемому в доверительное управление.

$11^2$. В случаях, предусмотренных пунктом $1^1$ настоящих Правил, в информационном сообщении должно быть указано о проведении конкурса с условием передачи в доверительное управление одной управляющей компании государственных пакетов акций (долей) одновременно нескольких хозяйственных обществ, сформированных в группы (лоты)».

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

## ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 5 ИЮЛДАН 11 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 6 июндаги 01-02/12-45-сонли қарори.*

***2008 йил 7 июлда 834-18-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 17 июлдан кучга киради).***

2. «Давлат ветеринария назорати остидаги юкларнинг экспорти, импорти ҳамда транзитида ветеринария ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ташиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғининг 2008 йил 19 июндаги 84-сонли буйруғи.*

***2008 йил 7 июлда 1302-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 17 июлдан кучга киради).***

3. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 3 июлдаги 67, 2008-29-сонли қарори.*

***2008 йил 9 июлда 1833-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 19 июлдан кучга киради).***

4. «Мебель маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «Файз» холдинг компанияси корхоналари томонидан «Файз» холдинг компанияси махсус ҳисобварағига ўтказиладиган икки фоизли акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 3 июлдаги 66-сонли буйруғи.*

***2008 йил 9 июлда 1143-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 19 июлдан кучга киради).***

5. «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/5-сонли қарори.*

***2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 21 июлдан кучга киради).***

### II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тўғрисида тушунтириш хати. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 409, 1998 йил 28 февраль).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 9 июлдаги 155-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. Газета ва журналлар таҳририятлари, нашриётлар, матбаа корхоналарининг асосий фаолиятига солиқ солишнинг баъзи масалалари тўғрисида тушунтириш. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 590, 1999 йил 9 январь).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 9 июлдаги 155-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

3. Бюджет корхоналарига солиқ солишнинг баъзи масалалари тўғрисидаги тушунтириш хати. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 620, 1999 йил 5 февраль).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 9 июлдаги 155-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

4. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва ички бозорда сотиладиган видео ва аудиоаппаратуралар учун акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг вақтинчалик тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 737, 1999 йил 1 июнь).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 9 июлдаги 155-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

5. Ёғни истеъмол идишига қадоқлашда акциз солиғини қўллаш тўғрисидаги тушунтириш хати. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 742, 1999 йил 8 июнь).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 9 июлдаги 155-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

6. Шўртан газкимё комплексининг қурилишида солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 819, 1999 йил 14 сентябрь).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 9 июлдаги 155-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

7. Мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Файз» холдинг компанияси корхоналари томонидан «Файз» холдинг компанияси махсус ҳисоб рақамига ўтказиладиган икки фоизли акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1143, 2002 йил 24 май).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 9 июлдаги 156-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

8. Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича йўриқнома, 1 ва 2-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 533, 1998 йил 16 ноябрь), (рўйхат рақами 533-1, 1999 йил 2 апрель), (рўйхат рақами 533-2, 1999 йил 13 апрель).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 11 июлдаги 157-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***

***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.***

РЕКЛАМА & АХБОРОТ
# Бизнес Панорама
«Норма маслаҳатчи» 33 (162)-сон 2008 йил 15 август

SetKom ВИДЕОКУЗАТУВ
ТИЗИМЛАРИ
Лойиҳа • Етказиб бериш • Монтаж • Ишга тушириш-созлаш • Тех. кузатув • Профилактика • Таъмирлаш
Тел.: 212-53-53, 212-55-55. Факс 234-88-77

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли
SANAY Co.Ltd
КАФЕЛЬ
сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40
Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз
Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган
Тошкентдаги омбордан сотилади
Тўлов – исталган шаклда

рг_8-01-01
Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

Rutrans & Partners
Голландиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
DICKIES компаниясининг Ўзбекистондаги расмий вакили
Ишчи ва махсус кийим
Ишчи ва махсус пойабзал
Ёнғинга қарши ускуналар
Махсус кийим аксессуарлари
Шланглар ва бутловчи қисмлар

Товар сертификатланган
рг_7-50-01
Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўч., 1, 4-қават, 11-хона.
www.rutransenpartners.com
e-mail: by.rutransenpartners@rambler.ru
Тел.: (+99890) 325-6043 (99871) 234-1843

## СОВУТИШ ВА САВДО УСКУНАЛАРИ
СОВУТУВЧИ КАМЕРАЛАР УЧУН АГРЕГАТЛАР
AZN TECHNO
"Technoblock" (Италия)да ишлаб чиқарилган
Тошкентдаги омбордан
ИСТАЛГАН САВДО МАЙДОНЛАРИНИ ЖИҲОЗЛАШ

СОВУТУВЧИ витриналар горкалар жавонлар стеллажлар пештахталар касса кабиналари

Совутувчи омборлар
СОВУТИШ САНОАТИ
СОВУТУВЧИ КАМЕРАЛАР
СОВУТУВЧИ АГРЕГАТЛАР
СУТ СОВУТКИЧЛАР
Офис: (998 71) 234-12-69
234-34-75
e-mail: azn@azn.uz
www.azn.uz
Товар сертификатланган
1-салон:
тел.: (998 71)
217-09-57, 216-09-00
2-салон:
тел. (998 71) 269-27-91

Setcom
System Integration. Security
212-5555, 212-5454, 212-5353, 234-8877.
(6 тадан 1024 та рақамгача)
Хизматлар лицензияланган
МИНИ-АТС
• Ишга тушириш-созлаш
• Техник кузатув
• Сервис хизмати кўрсатиш
• Кафолат – 1 йил

Alterna GROUP
Товар сертификатланган
Хитойдаги етказиб берувчидан
ЮҚОРИ СИФАТЛИ
ЮМШОҚ МЕБЕЛЬ
сотилади

УЙ ВА ОФИС УЧУН
ЧАРМДАН ВА ГАЗЛАМАЛИ!

## ВЫСТАВКИ 2008
4-Я МЕЖДУНАРОДНАЯ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ ВЫСТАВКА
"СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО"
UZAGROEXPO 2008
3-Я МЕЖДУНАРОДНАЯ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ ВЫСТАВКА
"ПРОДУКТЫ ПИТАНИЯ"

НОЯБРЬ
28 - 30

Sweet Expo
4-Я МЕЖДУНАРОДНАЯ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ ВЫСТАВКА
"ПИЩЕВАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ"
3-Я МЕЖДУНАРОДНАЯ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ ВЫСТАВКА
"ЧАЙ И КОФЕ"
"КОНДИТЕРСКАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ"

ТАШКЕНТ
Узэкспоцентр
TEA&COFFEE

IEG UZBEKISTAN
IEG ÜZBEKISTAN
100084, Узбекистан, г. Ташкент
Ул. А. Тимура, 107 Б, МБЦ, офис 4с-02
Тел./факс: +(998-71) 238-59-88, 238-59-82
Email: agro@ieguzexpo.com; cfs@ieguzexpo.com
При организационном содействии:

ОФИС МЕБЕЛИ
БУЮРТМАГА

РАҲБАРЛАР КАБИНЕТЛАРИ
КОНФЕРЕНЦ-СТОЛЛАР
ХОДИМЛАР УЧУН МЕБЕЛЬ
СТУЛЛАР
КРЕСЛОЛАР
ЕТКАЗИБ БЕРИШ – БЕПУЛ!
МЕБЕЛЬ САЛОНЛАРИ, АРХИТЕКТОРЛАР, ДИЗАЙНЕРЛАРНИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ЧАҚИРАМИЗ
ТЕЛ.: 330-36-76, 333-95-59

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

